The advantages and disadvantages of PBL are similar to those of TBL, but the obvious attraction of project-based learning is the motivating element, especially for younger learners. Projects bring real life into the classroom; instead of learning about how plants grow (and all the language that goes

with it), you actually grow the plant and see for yourself. It brings facts to life. The American educational theorist John Dewey wrote "education is not a preparation for life; education is life itself". Project work allows 'life itself' to form part of the classroom and provides hundreds of opportunities for learning. Apart from the fun element, project work involves real life communicative situations, (analyzing, deciding, editing, rejecting, organizing, delegating ...) and often involves multi-disciplinary skills which can be brought from other subjects. All in all, it promotes a higher level of thinking than just learning vocabulary and structures.

In conclusion, students experience increased motivation, autonomy, self-study, scientific-working and affirmative attitude toward English and Project-Based Learning performs outcomes for both teachers and students, a good number of project-work supporters assert that the positive sides outweigh the negative ones.

References:

1. Jones Rasmussen, Moffit, 1997
2. Thomas, Mergendoller, Michaelson, 1999.



PHILOSOPHICAL UNDERSTANDING OF LANGUAGE

Jumayev Muhammadali Alisher o'g'li ¹

¹ Samarkand State Institute of Foreign Languages, 1st stage master

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4904108>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021

Accepted: 25th May 2021

Online: 30th May 2021

KEY WORDS

language, linguistics,
philosophy of language,
world languages,
globalization, man.

ABSTRACT

The article deals with the issues of the philosophical study of language as a special sign system underlying structural linguistics.

TILNI FALSAFIY TUSHUNUSH

Jumayev Muhammadali Alisher o'g'li ¹

¹ Samarqand davlat chet tillari instituti 1-bosqich magistranti

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021

Ma'qullandi: 25-May 2021

Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

til, tilshunoslik, til falsafasi,
jahon tillari, globallashuv,
inson

ANNOTATSIYA

Maqolada tilni tarkibiy tilshunoslik asosida yotadigan o'ziga xos belgilar tizimi sifatida falsafiy jihatdan tadqiq etish masalalari bayon qilingan.

Insoniyat taraqqiyotida til voqelikni bilishning, ijtimoiy borliqni idrok etishning ham muhim vositasi bo'lib xizmat qilgan. Natijada insonning kommunikativ va bilishga oid faoliyatida yagona bir vosita - tildan foydalanish umumbashariy taraqqiyotning muvaffaqiyatini ta'minlash masalalariga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Shuning uchun, dunyo bu dunyoni ko'rgan odamlarning tili va madaniyati prizmasi (ko'p tomonlama kesishmasi) orqali paydo bo'ladi. Taniqli rossiyalik olim Yu.S. Stepanovning aytishicha, til, go'yo sezilmas ravishda faylasuflarning nazariy fikrlarini boshqaradi, fikrlashga olimlarning

universalligi shaklini beradi, deb ta'kidlaydi. [1; Stepanov, 1985, 5-bet].

Barchamizga ma'lumki, hozirgi globallashgan jamiyatda til va tafakkurning o'zaro aloqadorligi juda muhim ahamiyatga egadir. Chunki, hozirgi kunda istalgan soha bo'yicha chet mamlakatlar bilan o'zaro hamkorlik olib borish, ularning rivojlangan va boy tajribasini o'zlashtirib, mamlakatimizga olib kirishda, ular bilan chet tillarda qiynalmasdan muloqot olib bora olish zaruriyati xorijiy tillarni bilishning nechog'lik ahamiyatga ega ekanligini ko'rsatadi.

Jahonda kechayotgan ijtimoiy-lisoniy jarayonlarning va umuman, tilning ijtimoiy tabiatini namoyon etuvchi hodisalarning



tadqiqiga salmoqli hissa qo'shgan U.Labov, D.Xayms, R.Hadson, P.Tradjill, M.Yuu, L.B.Nikolskiy, V.I.Belikov va L.P.Krisin, A.D.Shveyser, Q.X.Xonazarov, A.Rustamov, Sh.Safarov, P.Qodirov, Yu.Abdullayev va A.M.Bushuy hamda boshqa tadqiqotchilarning nomlarini keltirib o'tishimiz mumkin.

Ularning tilga juda ko'p turli xil ta'riflar beradi, jumladan, taniqli olim Yu.S. Stepanov quyidagicha ta'rif beradi; Til - bu aloqa va bilish maqsadlarida foydalaniladigan belgi tizimidir. U tomonidan ilgari surilgan qarashlariga e'tibor qaratsak, zamonaviy fanda tilning 17 ta ta'rifini keltirib o'tadi [2; Степанов Ю.С.

1995. С.28.], qaysiki, ularning har biri o'z yo'nalishini yoki hatto o'z tilshunosligini shakllantiradi. Binobarin,

1. Til tabiiy mahsulot sifatida (naturalistik yo'nalish).
2. Til - bu ruhiy mohiyat (yosh grammatizmning psixologik yo'nalishi, psixolingvistika).
3. Til belgining mohiyati (lingosemiotikalar).
4. Til ijtimoiy birlik sifatida (sotsiolingvistika).
5. Til tizim-tarkibiy ta'lim sifatida (XX asr an'anaviy tilshunosligi).
6. Til ta'sir qilish vositasi sifatida (pragmalingvistika va taklif qiluvchi tilshunoslik).
7. Til kompyuter kodi sifatida (hisoblash lingvistikasi).
8. Til madaniyatning mahsuloti va vositasi sifatida (lingvokulturologiya).
9. Til aqliy shaxs sifatida (kognitiv tilshunoslik) va boshqalar.

Biz ularni bir nechtasini umumlashtirsak, til - bu butun hayotimizning ramzi, hayotimizda tildan yashiradigan hech narsa yo'q. Shuning uchun til zamonaviy falsafa uchun ham, til falsafasi uchun ham eng muhim muammolardan biridir.

Tilshunoslik bo'yicha yirik mutaxassis Yu.S. Stepanovning tadqiqotlariga e'tibor qaratadigan bo'lsak, uning "Til va uslub: zamonaviy til falsafasi sari" (Moskva, 1998) asarida olim zamonaviy til falsafasidagi neorealistik oqim to'g'risida tushunchani rivojlantirdi. U til falsafasini realizm, nominalizm yoki neorealizm pozitsiyasi bilan ma'lum falsafiy pozitsiya bilan bog'liq bo'lgan o'ziga xos paradigma yoki tilga nisbatan hukmron qarash sifatida tushungan. Til falsafasi, Yu.S. Stepanova fikricha, falsafa, tilshunoslik va mantiq chorrahasida shakllangan.

Globalashuv jarayoni turli tillar va madaniyatlarda so'zlashuvchilarning ongini birlashtirishga, odamlar o'rtasidagi haqiqiy muloqotni texnik ma'lumot almashish bilan almashtirishga olib kelmoqdai. Lingvistik to'siqlar globalashuv sharoitida samarali madaniyatlararo muloqotni amalga oshirishda asosiy to'siqlar hisoblanmoqda. Globalashuvning asosiy lisoniy to'siqlari dunyoning etnik kognitiv manzarasi, til to'sig'i, nutq to'sig'i, og'zaki bo'lmagan muloqot, turli darajadagi tushuncha bilan bog'liq. Globalashuv sharoitida samarali muloqot qilish uchun nafaqat chet tilini bilish, balki dunyoning milliy lingvistik rasmlarini ongda birlashtirish zarur. Bu, ayniqsa, AQSh, Hindiston, Shveysariya, Frantsiya, Germaniya, Nigeriya kabi davlatlarda ikki tilli tillarning ko'payishiga olib keldi.

Shu o'rinda quyidagi masalaga e'tiborni qaratish zarur. BMT til muommolarni oqilona hal etish bo'yicha keyingi yillarda globalashuv davrida kichik tillarni saqlab qolish global ahamiyatiga ega ekanligi haqida bir qancha akt va deklaratsiya normalarini qabul qildi. Bularni dotsent A.N.Usmonov quyidagicha keltirib o'tadi [3; Усмонов А.Н.2019, B.6]:

1. Inson huquqlari to'g'risidagi Vena deklaratsiya (1999y.);



2. BMT o'z chaqiriqlarida ko'p tillikka katta e'tibor berib kelmoqda (dekabr, 1999y.);

3. BMTning 52/262(2bob) rezolyutsiyasida hamma tillarni saqlab qolishga, yoqolib ketishiga yo'l qo'ymaslikga qaratilgan;

4. BMTning 58-sessiyada (2013) bosh kotib o'z ma'ruzasida dunyodagi barcha tillarni saqlab qolish va taraqqiy etishga chaqirdi.

Umuman olganda, milliy tillar xalqaro standartlar asosida himoyalangan bo'lsada, hali amalda qilinadigan ishlar ko'p globallashuv davrida til masalasiga YUNESKOning 2013 yildagi "Tillarning yashovchanligi va yo'qolib ketish havfi" mavzusidagi uchrashuvida berilgan tavsiyanoma va hujjat qabul qilish o'z natijasini berdi, bu hujjatlarni qilishdan maqsad, kichik tillarning yashovchanlik yo'llari darajasini ko'tarish belgilandi va tilni holati bo'yicha baholash mezonini ko'rsatadi.

Xulosa qilib aytganda, til falsafasi - bu so'nggi qirq o'n yillikda faolligi pasaygan

mavzudir, bugungi kunda bir nechta yirik faylasuflar uni asosiy tadqiqot mavzusi sifatida ko'rib chiqishlari shundan dalolat beradi.

Hozirgi globallashuv jarayoni kechayotgan bir paytda dunyoda har bir mamlakat o'zining madaniyati va ilm-fanini saqlab qolishga hamda rivojlantirishga intilmoqda. Bu borada O'zbekistonda til falsafasi ilmiy yo'nalishiga asos solgan va shu mavzuda ilmiy izlanishlar olib borishga o'nlab shogirdlarni yo'naltirgan Qo'chqor Xonazarovning ilmiy-pedagogik faoliyatini e'tirof etish muhimdir.

Qadiymiy bitiklarimizda shunday so'zlar mavjud: bir kuni temuriy podshoh Husayn Boyqaro buyuk Alisher Navoiydan "Boshga tushgan muammolar qayerdan keladi?"-deb so'rganida Alsher Navoiy shunday javob beradi: "Tilingdan"-deb. Shunday ekan, falsafada muammo bo'lib turgan til bu - mo'jizaviydir. Uni inson o'zining faqat ezgu niyatlari uchun qurol qilishi kerakligini anglab yetishi uchun falsafa fani til muammosi bilan ko'proq va atroflicha shug'ullanishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка: Семиотические проблемы лингвистики, философии, искусства. М.: Наука, 1985. - С.5.
2. Степанов Ю.С. Изменчивый образ языка в науке XX века // Язык и наука конца XX века. Под ред. Ю.С. Степанова. М.: ИЯ РАН, 1995. - С.28.
3. Усмонов А.Н. Глобаллашув шароитда жахон тилларнинг муаммолари// "Инглиз тилини ўрганишда инновациялар ва ўқитиш амалиёти" Халқаро илмий-амалий конференция, 2019 йил 15 март. - Toshkent - "Innovatsiya-ziyo" – 2019. -B.6.
4. Alikulov, X., Haqqulov, N. Q. Spiritual maturity and philosophical thinking dependence of development // ISJ Theoretical & Applied Science 04(84) 2020. Pages: 164-167.
5. Haqqulov, Nabijon Qahramonovich (2020) "INTERNATIONAL TOLERANCE IN THE EDUCATIONAL VIEWS OF SIDDIKI-AJZI," Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2 : Iss. 10 , Article 46. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss10/46>
6. Haqqulov N.Q. Perfect generation - personality of private education and humanity facilities // "МИРОВАЯ НАУКА" международное электронное научно-практическое периодическое издание. -2019. - №2(23). - С.62-63



7. Сафаров А.И., Хаккулов Н.К. Свойственные качества совершенному человеку в суфизме // Современная наука как социально-политический факторразвития государства: материалы международной научно практической конференции (10 мая 2019г., Москва) Отв. ред. Зарайский А.А.– Издательство ЦПМ «Академия Бизнеса», Саратов 2019. С. 48-50.
8. Ҳаққулов Н.Қ. Сиддиқий-Ажзийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари// Falsafa va Hayot | Философия и Жизнь || Philosophy and Life. - 2020.- №SI-2Б. –Б.162-171.



IMPLEMENTING PREPARATION FOR THE PIRLS INTERNATIONAL ASSESSMENT PROGRAM IN 4TH GRADE EDUCATIONAL CLASSES

Mahmudova Namuna ¹

¹ Master of the I stage of the theory and methodology of education and upbringing (primary education) of TSPU named after Nizami

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4904126>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021
Accepted: 25th May 2021
Online: 30th May 2021

KEY WORDS

Educational lessons, PIRLS international assessment program, PIRLS preparation exercises, logical thinking, reading literacy, text comprehension.

ABSTRACT

This article provides suggestions on the use and importance of PIRLS (The Progress in International Reading Literacy Study) in Grade 4 education.

4-SINF TARBIYA DARSLARIDA PIRLS XALQARO BAHOLASH DASTURIGA TAYYORGARLIKNI TATBIQ ETISH

Mahmudova Namuna ¹

¹ Nizomiy nomidagi TDPU ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang'ich ta'lim) yo'nalishi I bosqich magistranti

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021
Ma'qullandi: 25-May 2021
Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

Tarbiya darslari, PIRLS xalqaro baholash dasturi, PIRLSga tayyorgarlik mashqlari, mantiqiy tafakkur, o'qish savodxonligi, matnni tushunish.

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada 4-sinf tarbiya darslarida PIRLS (The Progress in International Reading Literacy Study - boshlang'ich sinf o'quvchilarining matnni o'qib tushunish darajasini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqot dasturi)ga tayyorgarlik mashqlaridan foydalanish va uning ahamiyati borasida takliflar keltirilgan.

Boshlang'ich ta'lim tizimiga yangidan joriy etilgan "Tarbiya" darslarining asosiy maqsadi – yosh avlodni ma'nan barkamol qilib tarbiyalash, iqtidori va intellektual salohiyatini oshirish bilan birga, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiq bo'lishdek buyuk xislatlarni tarkib toptirishdan iborat. Shu maqsaddan kelib chiqqan holda, ta'lim

samaradorligini yanada oshirish yo'llarini ishlab chiqish, o'qitishning interfaol metodlari va innovatsion texnologiyalaridan foydalanish keng miqyosda yo'lga qo'yilmoqda. Shu bilan bir qatorda, bugungi kunning muhim talablaridan bo'lgan xalqaro baholash dasturlariga tayyorgarlik ko'rish ham ustuvor vazifalardan biri bo'lib qolmoqda, chunki bu



dasturlar o'quvchilarning o'zlashtirish va fikrlash darajasini baholashga qaratilgan va ularni xalqaro darajada tekshiradigan tadqiqotlardir. Baholash dasturlariga tayyorgarlik mashqlarini "Tarbiya" darslarida qo'llash o'quvchilarning matn mazmunini teran anglashlariga, chuqur mantiqiy tahlil qila olish qobiliyatining rivojlanishiga turtki bo'ladi.

Ana shunday dasturlardan biri – PIRLS (The Progress in International Reading Literacy Study) - boshlang'ich sinf o'quvchilarining matn o'qib tushunish darajasini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqot dasturi. Ushbu dastur boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qib tushunish darajalarini qay darajada rivojlanganligi haqidagi ma'lumotlarni xalqaro miqyosda taqqoslash imkonini beradigan, o'qish va o'qitishni yaxshilash uchun ta'lim sohasidagi davlat siyosatiga oid ma'lumotlarni taqdim etadigan yirik xalqaro

baholash dasturidir. Dasturga mos tayyorgarlik mashqlari ishlab chiqilgan bo'lib, asosan, ulardan "O'qish" darslarida foydalaniladi. Ularni "Tarbiya" darslari amaliyotiga ham joriy etish samarali natija beradi, chunki bu fanda ham asosiy mashg'ulotlar matn va uning ustida ishlashdan iborat. Shu bois, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi ta'lim sifatini nazorat qilish inspeksiyasi ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish milliy markazi tomonidan ishlab chiqilgan 4-sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini aniqlash bo'yicha PIRLS xalqaro tadqiqotiga tayyorgarlik ko'rish mashq daftariga asoslangan holda, PIRLS xalqaro baholash dasturidan "Tarbiya" darslaridagi ayrim mavzularni mustahkamlashda foydalanishni ko'rib chiqamiz. Mashq daftarida quyidagicha yo'riqnoma keltirilgan:

Yo'riqnoma

Hurmatli o'quvchi! Siz ushbu mashq daftarini bajarish uchun unda berilgan hikoya yoki maqolalarni o'qib chiqishingiz va o'qiganlaringiz yuzasidan savollarga javob berishingiz lozim bo'ladi. Ba'zi savollar osonroq va ba'zilari esa murakkabroq bo'lib tuyulishi mumkin. Siz barcha savollarga javob berishga harakat qiling.

Siz turli xil savollarga javob berishingiz kerak bo'ladi. Ayrim savollarga 4 ta variantdan iborat bo'lgan harflar bilan belgilanadigan javoblar keltiriladi. Siz o'zingizning fikringizga ko'ra to'g'ri javobga tegishli bo'lgan harfni belgilang.

1 – namunada shunday savol berilgan va namuna tarzda javobni qanday belgilash ko'rsatilgan.

1-namuna

1. Bir haftada necha kun bor?

- A 2 kun
- B 4 kun
- C 7 kun
- D 10 kun

Javobda "C" harfi belgilangan, chunki bir haftada 7 kun bor. Agarda sizning javobingiz to'g'riligiga ishonchingiz komil bo'lmasa, sizning nazaringizda eng to'g'ridek ko'ringan javobni tanlab, keyingi topshiriqqa o'tishingiz mumkin.

Agar siz tanlagan javobingizni o'zgartirmoqchi bo'lsangiz, uning ustiga chizing va to'g'ri deb hisoblagan boshqa javobingizni belgilang hamda keyingi savolga o'ting. Buni qanday bajarishni 2 – namunada ko'rishingiz mumkin.

2-namuna

2. Bir haftada necha kun bor?

- A 2 kun
- B 4 kun
- C 7 kun
- D 10 kun

Ayrim vazifalarni bajarishda o'z javobingizni savolning tagidagi maxsus ajratilgan joyga yozishingiz kerak bo'ladi. 3 – namunada shunday savol keltirilgan.

3-namuna

3. Hikoyada aytilayotgan voqea yilning qaysi faslida bo'lib o'tgan?



3-namunada qalam va uning yonida 1 raqami tasvirlangan. Ushbu belgi mazkur savol uchun siz 1 ball olishingiz mumkinligini bildiradi.

4-namunada qalam va uning yonida 3 raqami tasvirlangan. Demak, ushbu savolning to'g'ri javobi uchun 3 ball olishingiz mumkin.

4-namuna

4. Aynan nima hikoyaning oxirini bir vaqtning o'zida ham qayg'uli ham zavqli qilmoqda? O'qiganlaringiz bo'yicha olgan ma'lumotlaringizdan foydalanib, o'z fikringizni tushuntirib bering.



Daftar ikki qismdan iborat. Har bir vazifani bajarishga 40 daqiqadan vaqt ajratiladi. Har bir vazifaning o'rtasida kichik tanaffus beriladi.

Hamma savollarga imkon qadar yaxshiroq javob berishga harakat qiling. Agar siz birorta savolga javob bera olmasangiz, keyingisiga o'tishingiz mumkin.

To'xtang

O'qituvchining ruxsatisiz navbatdagi sahifani ochmang.



4-sinf “Tarbiya” darsligi 63-betdagi “Muvaffaqiyat – bir jamoaga aylanishda” mavzusi bo`yicha quyidagicha mashqdan foydalanish mumkin:

Savollar: “Muvaffaqiyat –bir jamoaga birlashishda”

1. Voqea kim tomonidan hikoya qilingan?
 - Qizaloq
 - Ota
 - Bola
2. Sel qanday ofat?
 - Issiq shamol
 - Suv toshqini
 - Qum bo`roni
3. Oila davrasida nimani maslahatlashishdi?
 - Sel kelganligi va uning oqibatidan qanday qutulishni
 - Seldan talafot ko`rganlarga qanday yordam berishni
 - Sel bo`lgan joyga qanday yetib borishni
4. Nega ular o`z buyumlarini boshqalarga bermoqchi bo`lishdi?
 - Buyumlari eskirgandi
 - Seldan jabr ko`rganlarga yordam berish maqsadida
 - Buyumlarini sotish uchun
5. Seldan jabrlanganlar uchun ota o`z buyumlaridan tashqari yana nimalar xarid qildi?

6. Nima uchun ular narsalari hammaga yetmasligini bilishsa-da, ularni olib bermoqchi bo`lishdi?

7. Bolalar o`zlarining qaysi buyumlarini tengdoshlariga ulashmoqchi bo`lishdi? Nima uchun?

8. Hikoya so`ngida keltirilgan oila a`zolari o`rtasidagi suhbat mavzusiga e`tibor qarating. Nima sababdan bunday suhbat aynan oila davrasida uyushtirilgan deb hisoblaysiz?

PIRLS MASHQI UCHUN BAHOLASH MEZONI:

“MUVAFFAQIYAT – BIR JAMOAGA AYLANISHDA”, 1-VAZIFA

Javob:

1. A

“MUVAFFAQIYAT – BIR JAMOAGA AYLANISHDA”, 2-VAZIFA

Javob:

2. B

“MUVAFFAQIYAT – BIR JAMOAGA AYLANISHDA”, 3-VAZIFA

Javob:

3.B

“MUVAFFAQIYAT – BIR JAMOAGA AYLANISHDA”, 4-VAZIFA

Javob:

4.B

“MUVAFFAQIYAT – BIR JAMOAGA AYLANISHDA”, 5-VAZIFA

Maqsad: Badiiy matnlar orqali o`qish savodxonligini oshirish.

Jarayon: To`g`ri xulosalarni shakllantirish.

Javob qabul qilinadi – 1 ball:



Bu javob mazmunida ota sel oqibatida zarar ko'rganlarga yordam berish maqsadida do'kondan xarid qilgan narsalar to'g'ri keltirilgan bo'ladi.

Javob mazmuni: Ota seldan jabr ko'rganlar uchun do'kondan guruch, yog` va boshqa oziq mahsulotlari xarid qilganligi aytilgan bo'ladi.

Javob qabul qilinmaydi – 0 ball:

Javob mazmunida do'kondan xarid qilingan mahsulotlar nomi to'g'ri keltirilmagan bo'ladi.

Misollar:

- Xarid qilingan mahsulotlar bilan birga uydan olingan ro'zg'or buyumlari ham keltirilgan bo'lishi mumki,
- Yoki faqat ro'zg'or buyumlarining o'zi keltirib o'tilgan.

Javob yo'q – 0 ball: Javob berishga imkoniyat yo'q edi - (chop etish xatosi, sahifa o'tkazib yuborilgan va boshqa...). Javob uchun joy butkul bo'sh.

“MUVAFFAQIYAT – BIR JAMOAGA AYLANISHDA”, 6-VAZIFA

Maqsad: Badiiy matnlar orqali o'qish savodxonligini oshirish.

Jarayon: To'g'ri xulosalarni shakllantirish.

Javob qabul qilinadi – 1 ball:

Bu javob mazmunida ularning oilasiga o'xshash saxovatpesha oilalar ko'pligi va ular birlashishsa bir kuchga aylanishlari keltirilgan bo'ladi. Ya'ni hikoya ichidagi qizaloq va otasining shu mazmundagi suhbat qisqacha aks etgan bo'lishi kerak.

Javob mazmuni:

Bunday saxovatpesha insonlar ko'pligi va birgalikda hammaga yordam berish mumkinligi javobda aks etadi.

Javob qabul qilinmaydi -0 ball:

Javob mazmuniga mos to'g'ri mulohaza keltrilmagan.

Javob yo'q – 0 ball: Javob berishga imkoniyat yo'q edi - (chop etish xatosi, sahifa o'tkazib yuborilgan va boshqa...). Javob uchun joy butkul bo'sh.

“MUVAFFAQIYAT – BIR JAMOAGA AYLANISHDA”, 7-VAZIFA

Maqsad: Badiiy matnlar orqali o'qish savodxonligini oshirish.

Jarayon: To'g'ri xulosalarni shakllantirish.

Javob qabul qilinadi – 1 ball:

Bu javob mazmunida bolalar tabiiy ofat tufayli aziyat chekayotgan tengqurlariga yordam berish maqsadida olib chiqqan o'zlarining buyum va o'yinchoqlari nomi to'g'ri keltirilgan bo'ladi.

Javob mazmuni:

Qizlar o'yinchoq va qo'g'irchoqlarini, Komiljon esa futbol koptogini tengdoshlariga dalda bo'lish niyatida sovg'a qilmoqchiliklari aytib o'tilgan bo'ladi.

Javob qabul qilinmaydi - 0 ball:

Javob yo'q – 0 ball: Javob berishga imkoniyat yo'q edi - (chop etish xatosi, sahifa o'tkazib yuborilgan va boshqa...). Javob uchun joy butkul bo'sh.

“MUVAFFAQIYAT – BIR JAMOAGA AYLANISHDA”, 8-VAZIFA

Maqsad: Badiiy matnlar orqali o'qish savodxonligini oshirish.

Jarayon: To'g'ri xulosalarni shakllantirish.

Javob qabul qilinadi – 1 ball:

Javob mazmuniga mos fikr bildirilganda.

Javob mazmuni:

Oila tarbiya o'chog'i ekanligi, oilada olingan tarbiya ta'sirli va mustahkamroq bo'lishi, qisqa qilib aytganda, “qush uyasida ko'rganini qiladi” maqolining tavsifi aks etishi kerak.

Javob qabul qilinmaydi - 0 ball :

Javob mazmuniga mos bo'lmagan, mutlaqo noto'g'ri qarash keltirilganda.

Javob yo'q – 0 ball: Javob berishga imkoniyat yo'q edi - (chop etish xatosi, sahifa o'tkazib yuborilgan va boshqa...). Javob uchun joy butkul bo'sh.

PIRLS dasturiga tayyorgarlik mashqlari “Tarbiya” darslarida matnni o'qib tushunishlari, undan chiqqan xulosalarini yozma tarzda aniq ifodalay olish



ko`nikmalarini rivojlantirishga xizmat qiladi. Bu orqali esa o`quvchilar o`z mustaqil qarashlariga ega bo`ladilar, ushbu qarashlarini

muhokama jarayonida bemalol bildira olish layoqatini qo`lga kiritadilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Shermuhammedova S va boshq. Tarbiya. Umumiy o`rta ta`lim maktablarining 4-sinfi uchun darslik. Toshkent -“O`zbekiston” 2020-yil.
2. O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi ta`lim sifatini nazorat qilish inspeksiyasi ta`lim sifatini baholash bo`yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish milliy markazi. 4-sinf o`quvchilarining o`qish savodxonligini aniqlash bo`yicha PIRLS xalqaro tadqiqotiga tayyorgarlik ko`rish mashq daftari.
3. **Internet manbalari:**
 - www.Eduportal.uz
 - www.ziyonet.uz
 - www.markaz.tdi.uz
 - www.youtube.com. Milliy markaz



INTERPRETATION OF LOVE IN MASHRAB'S CREATION

Bahronova Dilmora Alisher qizi¹, Eshonqulova Feruza Husniddin qizi²

¹ Student of Bukhara State University, Faculty of Philology

² Student of Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4904151>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021

Accepted: 25th May 2021

Online: 30th May 2021

KEY WORDS

Lomakon, Boyazid Bistomi, Sheikh Shibli, Sheikh Fariddin Attar, Mansur Halloj, Imamiddin Nasimi, Sheikh San'an, "Analhaq"

ABSTRACT

This article describes one of the priorities in Mashrab's work, Ishqsharhi and the description of true lovers (on the example of a ghazal). Through the analysis and interpretation of the poet's ghazal, the article clearly reveals the views and ideas of the poet, the issue of the pain and love.

MASHRAB IJODIDA ISHQ TALQINI

Bahronova Dilmora Alisher qizi¹, Eshonqulova Feruza Husniddin qizi²

¹ Buxoro Davlat Universiteti filologiya fakulteti talabasi

² Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti talabasi

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021

Ma'qullandi: 25-May 2021

Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

Lomakon, Boyazid Bistomi, Shayx Shibliy, Shayx Fariddin Attor, Mansur Halloj, Imomiddin Nasimi, Shayx San'on, "Analhaq"

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Mashrab ijodida ustuvor yo'nalishlardan biri bo'lgan ishqsharhi va chin oshiqlar tavsifi keltirilgan (bir g'azal misolida). Maqolada shoir g'azalini tahlil qilish va sharhlash orqali undagi mashrabona qarashlar va g'oyalar, mashrabona dard va ishq masalasi aniq ochib berilgan.

Buyuk mutasavvuf Yunus Emro ta'kidlaganidek, toqqa tushsa uni kul aylaydigan, ko'ngillarga yo'l aylaydigan, sultonlarni qul qiladigan jur'atli tuyg'udir ishq. Dengizlarni qaynatadigan, mavjga solib o'ynatadigan, qoyalarni so'ylatadigan quvvatli tuyg'udir ishq. Aqlarni shoshiradigan, daryolarni toshiradigan, necha jigarlarni pishiradigan o'tli tuyg'udir ishq. Oshiqni chorasiz ahvolga solib qo'yadigan, uni dardli qiladigan, subyektini obyektga aylantirib qo'yadigan lazzatli tuyg'udir ishq.

Qadrsizga berilmaydigan hurmatli tuyg'udir ishq.

Mashrab ana shunday qimmatli ishq ichra yonib yashagan samandardir. Mashrab ijodining markaziy masalasi ham ishqdir. Shuning uchun ham Mashrab deyarli hamma muammo, hamma haqiqatlarga ishq nigohi bilan qaraydi va ularni ishq kuch – quvvati bilan hal qiladi.



Lomakonni¹shahrida oshiqni shaydo qildi ishq,
Anbiyo-u avliyolarni huvaydo² qildi ishq.

Jilvasini ko`rsatib, zohirda³ elga rang - barang
Or-u nomusdin kechib , olamg`a g`avg`o qildi ishq.

Yoshiyetmishgayetib, sotturdio`zniBoyazid
Ma`rifat bozorida , ko`rgil, na savdo qildi ishq.

Shayx Shibliy , shayx Attor ul “Analhaq” suhbatin –
Qurdi , ichdi bodani , Mansurni dordo qildi ishq.

“Kufr aytti !” deb Nasimiy terisini suydilar ,
Go`sht-u po`stin so`zlatib , olamga go`yo qildi ishq.

Shayx San`ondin bo`lib to`rt yuz murid⁴ sohibkamol ,
Ko`rdi tarsozodani xo`kbonu tarso qildi ishq.

Bildiyu eshitti Mashrabning qarori yo`q ekan,
Zohirin⁵ go`yo qilib, botinin bino qildi ishq.
[Boborahim Mashrab. Mehribonim , qaydasan. – T. : G`afur G`ulom nomidagi adabiyot va san`at nashriyoti , 1990 , 222 - b. Bundan keyingi misollar ham shu kitobdan olinadi va tegishli betlar qavs ichida ko`ratiladi]

Mashrabning ushbu g`azalini ishq qurbonlari haqidagi ballada deb atasak

maqсадga muvofiq bo`ladi , bizningcha. Bu g`azalda ishq qurboniga aylangan , ishq dardini tuygan MansurHalloy, BoyazidBistomiy , ShayxShibliy ,ShayxFarididdinAttor , ImomiddinNasimiy va Shayx San`onkabiqator oshiqning qismati , ayanchli taqdiri , ularga berilgan ishq sinovi va undan o`tish jarayonida chekilgan mashaqqatlarni tasvirlash orqali o`sha davr johillarini , musulmonlik niqobin taqqan kofirlarni qattiq tanqid qiladi hamda yuqoridagi chin oshiqlar qatoriga o`zni ham qo`shib , “men ham ular yurgan yo`ldaman , ular bilan birgaman” , demoqchi bo`ladi va Mashrabning bu yo`li haq yo`l edi. Lomakonni shahrida oshiqni shaydo qildi ishq,

Anbiyo-u avliyolarni huvaydo qildi ishq. Lomakonda , ya`ni haddi hududsiz makon (Allohga xos makon)da oshiqni shaydo qilgan ham , anbiyo va avliyolarni huvaydo qilgan ham ishqdir. Ishqning barcha maxluqotlarni⁶ shaydo aylashi uning ilohiy ne`mat ekanligidan dalolatdir.

Ishq shunday bir shamchiroqki , u barcha parvonalarni o`ziga maftun qilib qo`yadi , barchani o`ziga shaydo qiladi. Unga yetgan parvonalar sham taftiga chidayolmay , qanotlari kuyib , jon berishadi. Bunda sham ilohiy ishq , Allohga bo`lgan kuchli muhabbat timsoli hisoblanadi , parvona esa bu ishqqa shaydo mutasavvufilar , so`fiylardir. Ular Alloh ishqiga talpinishadi , uning qiymatin bilishgach unga oshiqi beqaror bo`lishadi va unga yetishgach “mutu qabla an tamutu” , ya`ni “ o`lmasdan burun jon berishadi ” (qanotlari kuyib , jon berishadi).

Shoir ushbu g`azalida Boyazid Bistomiy, Shayx Shibliy , Shayx Farididdin Attor,

¹Lomakon – makonsiz , haddu hududsizlik (Allohga xosdir)

²Huvaydo – shaydo qilguvchi

³Zohir – namoyon bo`lish , paydo bo`lish

⁴ Murid – tariqat yo`lini tutgan , murshidga qo`l bergan talab ahlidandir , piri komilning shogirdi

⁵ Zohirin – tashqi (olam) , botinin esa ichki (olam)

⁶ Maxluqot – xalq qilingan , yaratilgan yaratiq



Mansur Halloj , Imomiddin Nasimiy, Shayx San'on kabi ishq otashiga talpingan parvonalarini qator sanab o'tadi , ularning qismati haqida sharh bitadi va shu parvonalar qatoriga o'zini ham kiritadi. Chindan ham, Mashrab shunday edi va buni o'zi ham qator baytlari orqali tasdiqlagan :
Dog'i hasrat o'rtadi Mashrabni har dam - soati

Shami – san , parvona – man , ey mehribonim , marhabo (229-bet)

Mashrab – ishq chirog'ining chin parvonasidir. Ishaq atalmish porloq shamchiroq Mashrabdek parvonani o'ziga maftun ayladi. U ishq shamchirog'i haqida boshqa parvonalariga ham aytmoqchi bo'ldi , ammo uni boshqalar tushunmadi. Sababi shundaki , ishqqa yetmagan , uni fahmlamagan parvonalar u shamchiroq qimmatini qanday tushunadi ?! Shuning uchun ham ular Mashrabni , ya'ni ishq shamchirog'i ne ekanligin anglagan parvonani anglamas edilar (xuddi Alisher Navoiyning "Lison ut-tayr" dostonida keltirilgan parvona va sham haqidagi hikoyat misol).

Jilvasini ko'rsatib, zohirda elga rang - barang Or-u nomusdin kechib , olamg'a g'avg'o qildi ishq.

Najmiddin Komilov ta'kidlaganidek , ishq solikni fanoga va undan keyin baqoga olib boradi. Ammo bunda ikki xil yo'l , to'g'risi – ikki xil mayl bor : biri – hayajonli, sershovqin , ruhiy kechinmalarni g'alayonlar ichra izhor etib borish mayli bo'lsa, ikkinchisi – osoyishta , tamkinli ; chuqur daryoning tubiga o'xshagan haybatli, vazmin , ichki dardi qudratini yashirish mayli. Birinchi maylning yirik namoyondalari Boyazid Bistomiy, Mansur Halloj , Abusaid

Abulxayr , Farididdin Attor , Jaloliddin Rumiy , Shams Tabriziy , Boborahim Mashrab. Ikkinchi mayl tarafdorlari qatoriga Junayd Bag'dodiy , Najmiddin Kubro (butunlay bo'lmasa ham), Sa'diy Sheroziy , Bahouddin Naqshband kabilarni kiritish mumkin.⁷

Jaloliddin Rumiy demishlarki , Mansur ruhi yuz yildan keyin Attor ruhiga nuzul etti. Agar bu fikrni davom ettiradigan bo'lsak , aytish mumkinki , Mansur ruhi Farididdin Attor orqali olti yuz yildan keyin o'zbek shoiri Boborahim Mashrab jismiga singgan edi.⁸ Darhaqiqat , Mashrabda ham Mansur Hallojlar singari "sershovqin , ruhiy kechinmalarni g'alayonlar ichra izhor etib borish mayli" juda kuchli. Uning qalblardagi cho'g'ni alangalatib yuboruvchi o'tli ash'orlari isyonkorona ruhda yozilgan oshiq tug'yonlarini ifodalaydi. " Xaloyiqqa bu olamda base afsona " Mashrab qator g'azallarida o'zni Mansur Hallojga o'xshagani , uning yo'lidan yurgani uchun xursandligini va bu Mashrab uchun katta faxr ekanligini aytib, shukronalar qiladi va uni qaysidir bir ma'noda o'ziga ustoz sanaydi. Shuningdek, uning qismati bilan o'z qismati o'xshash ekanligini aytib , "ro'yi siyohlar", besarpolar tomonidan o'ldirilganini ta'kidlab o'tadi :

Dori Mansuri analhaq joyidur

Bosh berib yuz ming nido topsam kerak
(232-bet)

Yoxud :

Vahdat mayin piri mug'on ilkidin ichtim ,
Mansur kabi boshimi dorg'a tuta qoldim.
(84 - bet)

Demakki , anbiyo va avliyolarni shaydo qilgan ham ishqdir , oshiqlar ahvolin afgor aylab , olamga g'avg'o soldirgan ham Alloh

⁷Komilov N. Tasavvuf yoki komil inson axloqi. Birinchi kitob. – T. : G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti , 1996, 44-b.

⁸Komilov N. Tasavvuf. Ikkinchi kitob. Tavhid asrori. – T. : G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti , 1999, 140 - b.



ishqidir. Haqqa bo'lgan muhabbat barchani birdek shaydo qiladi, bu ishq ila hamma oshiqqa aylanadi va vasl umidi esa jami oshiqni besabr qilib qo'yadi. Bu besabrlik oqibatida ishq ahli olamga g'avg'o soladi, yaqosin chok aylab, bir oh tortadi. Oshiqning tortgan shu birgina ohi mahshar ila yetti do'zaxni kuydiradi va Mashrabdek dasht ila sahroga ham sig'maydi. Ammo oshiq uchun ishq shu dardlari bilan torlidir, uning dardiga darmon ham shu ishqdir: So'rarlar ba'zi odamlar: "Bu dardingga davo bormu?"

Men ayturman: "Birodarlar, bu dardi menga darmondur". (187 - bet)

Ishq o'tidan ko'ngli "qizil gul g'unchasidek tah-batah qon" bo'lgan Mashrab ana shunday pok ishq shaydosidir va uning qator baytlarida jununning dardli nola - fig'onlari yaqqol ko'rishimiz mumkin, ammo ular oshiqning dardiga malhamdir. Chunonchi, chin oshiq o'z mahbubini qiynoqlari va berayotgan azoblari bilan birga sevadi.

Yoshi yetmishga yetib, sotturdi o'zni Boyazid

Ma'rifat bozorida, ko'rgil, na savdo qildi ishq.

Najmiddin Kubro hazratlari ishq xususida shunday fikr bildiradilar: "Ishq insonning yurak - bag'rini yondirguvchi bir otashdir. U aqlni shoshirtirar, ko'zni ko'r, quloqni kar aylar. Ammo eng ulkan qo'rquvlarni ham kichraytirar. Butun diqqatni ma'shuqaga jalb etar..." Boyazid Bistomiy ana shunday ishqqa muftalo bo'lgan oshiqdir. Boyazid Bistomiyning tasavvuf olamidagi darajasi shunchalik ulug'ki, u namoz o'qiganida ko'ksining so'ngaklaridan "Alloh" degan qa'qa'a chiqar edi (Alisher Navoiyning "Nasoyim ul-muhabbat" asarida bu haqda batafsil keltirilgan). Chunonchi, Boyazid Bistomiyning shogirdi mashhur shayx abul Hasan Xaraqoniydan: "Ilohga musharraf

bo'lgan dilning alomati nadur?" - deb so'rganlarida ul kishi debdurlar: "Boshidan to oyog'igacha Xudoning borligini iqror etsa va oyoq-qo'li, yurish-turishi, nigohi va hatto burunlaridan kirib-chiqayotgan havosi (nafasi) ham "Alloh!" deb tursa - alomati shudir" [Komilov N. Tasavvuf yoki komil inson axloqi. Birinchi kitob. - T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1996, 29-bet].

Biz shu dalilga asoslangan holda shuni aytishimiz mumkin, Boyazid Bistomiy ham Majnun kabi vahdat ul - vujudga erishgan, ya'ni Alloh bilan birlik hosil qilgan valiydir. Zeroki, Haq yodi ila yongan oshiqning chiqargan har bir o'tli nafasi "Alloh, Alloh" deb chiqadi va bu o'tli nafas butun olamlarni kudirib, kul qilib yuboradi. Bunday oshiq esa Alloh yo'lida o'zni sotishga, o'zdan kechishga ham tayyor bo'ladi. Boyazid Bistomiy ham ana shunday oshiq edi va uning yetmish yoshda o'zin sotturgani ham Alloh yo'lida o'zdan kechishlikdir.

Boyazid Bistomiy umr bo'yi qilgan haj va umra ajrlarini bitta nonga almashgani yoxud yetmish yoshda o'zni sotturgani hamda Fariddin Attor o'zini bir qop somonga sotgani shu ishq savdosidan, nafs otin zabur aylashidandir. Nafsni yenggan kishigina komillikka erisha oladi, pok munosabat bo'lgan ishqni tuyadi va o'zligidan kecha oladi.

Mashrab ham insoniyat dunyosining nafs botqog'iga botganidan tahlikaga tushib, barini "tarki nazar etib", qalandar bo'lgan: Bir martabada turmas emish shoh ila darvesh,
Bas, jandani kiydim, o'zimi darbadar ettim
(95-bet)

Yoxud:
Ko'ngulda zarracha dunyoni mehri
bo'lmayin menda



Seni deb ikki olamdin kechib bezora
Mashrabman (120-bet)

Ushbu baytlari orqali Mashrabning aniq maqsadi yaqqol ko'zga tashlanadi. U dunyodagi adolatsizlikka chidayolmaydi, dunyoning foniy boyliklariga ko'ngil bog'lamaydi, uning ko'nglida o'tkinchi dunyoga zarracha mehr yo'qdir. U Alloh uchun ("seni deb") nafaqat bu dunyo, balki u dunyodan ham kechishga tayyordir. Agar unga jannatda Alloh vasli nasib qilmasa, Mashrab jannatdan kechib, do'zaxga tushishga ham tayyor chin oshiqdir. Boborahim Mashrab faqat Alloh uchun o'zin o'tga tashladi, Alloh yodi ila yashadi va Alloh uchun o'zidan kechdi.

Shayx Shibliy, shayx Attor ul "Analhaq" suhbatin –

Qurdi, ichdi bodani, Mansurni dordo qildi ishq.

Mansur Halloj Mashrab uchun ideal shaxs. Shoir Mansur Hallojni ko'plab g'azallarida tilga oladi va uni Mashrab o'zi uchun g'oyibona pir deb biladi. Mansurning favqulodda g'oyalari Mashrabga ham singgan. Mashrab o'zini Mansur Hallojga qiyoslaydi, unga havasi keladi va o'z vafotini Mansurnikidek yakunlanishini oldindan bashorat qiladi:

Ming shukur xudoyimg'a Mansurg'a qo'shuldim men,

Ul ro'yi siyahlarkim Mansurni o'ldurg'an.

(148 - bet)

Mansur Halloj ham Boyazid Bistomiydek vahdatga erishgan ulug' bir valiy edi. Hatto zamondoshlari tomonidan uning haqligi tan olingan bo'lsa-da, ammo xalq orasida u qoralangan. Chunonchi, tariqat sultoni ShayxAbusaid Abulxayrxon demishlarkim, Mansur Halloj ulug' holdadir va uning zamonida mashriqdin mag'ribgacha oningdek hech kim yo'q erdi. Shayx Abu Abdulloh Hafif uni "imomi rabboniy" deb atagan. Alisher Navoiyning "Nasoyim ul-

muhabbat" asarida keltirilishicha, u ustoz Abu Amr Usmon Makkiyning qarg'ish duosini oladi va qanday duo qilingan bo'lsa, xuddi shunday o'lim topadi. Ya'nikim Mansur Halloj bo'ynidan mahkam bog'lanib, dorga osildi va uning jismi havoda muallaq qoldi. Undan so'ng Halloj jismini pastga tushirib, ikki qo'li va oyog'ini kesdilar va ikki ko'zini o'yib oldilar. Bu mislsiz fojiani ko'rgan xalq oyoqqa turdilar, go'yo ul damda qiyomat qoyim bo'lgan edi. Keyin Mansur Hallojning quloq-burnini kesdilar va shu holatda u uch kun yotdi. Hallojning quruq tanasini o'tda yoqadilar. Ahmad Yassaviyning aytishicha, olov ko'kka chiqqanda maloikalar bo'zlab Haqqa nola qiladilar, jannat hurler "Yo Mansur", deb aza tutdilar. Podshoh farmoni ila uning kuydirilgan kulini daryoga sovurdilar. Shu zahoti suv qa'ridan "Analhaq" hayqirig'i eshitildi va qish fasli bo'lishiga qaramay, Dajla suvi toshdi. Xalq orasida g'alayon ko'tarildi. Shunda Zunnun Misriy "Yo Mansur" deb, shu kulni (ba'zi manbalarda shayx xirqasi deb keltiriladi) toshqin daryoga tashlaydi (Zunnun Misriy Mansur Hallojning qatl oldidan qilgan vasiyatiga muvofiq, uning kulidan bir hovuch olib qolgan edi). Suv asta-sekin pasayib, Dajla sokin bo'lib qoladi va kulni suv yuzidan jamlab olib, dafn qilishadi.

Yuqorida keltirilgan o'lim tasvirlarida ham uning qay darajadagi valiy ekanligini bilish mumkin. Mansur Hallojning dushmanlari uni jisman yo'q qilishgan bo'lsa ham, uning inson zotini ulug'lashga qaratilgan "analhaq"lik ta'limotiga zarracha putur yetmadi, bu ta'limotning mohiyati asrlar osha oydinlashib boraverdi. U boshqalar uchun zohiran fojiali vafot etgan, ammo botinda nurga chulg'angan, Alloh ishqida yongan va kul bo'lgan oshiq va bu yo'lda Alloh muhabbatiga noilbo'lgan va u bilan birlikka erisha olgan shayx - valiydir.



Mansur Hallojni dorga osishdan oldin bir darvesh undan so'radi : " Ishq nimadur ?" Dedi : "Bugun , erta va indin ko'rasan". Ul kuni uni o'ldirdilar, keyingi kuni kuydirdilar va uchinchi kuni kulini ko'kka sovurdilar – bu ishqdir ".⁹ Darhaqiqat , Mansur Hallojning o'zi ishqdir , uning "Analhaq" so'zi esa ishq madhiyasidir.

Shayx Shibliy , Shayx Farididdin Attor Mansur Hallojning "Analhaq"lik da'vosidan o'sib chiqqan shayxlardir. Shayx Shibliy debdurlar : "Ulcha ul dedi , men ham deyirman. Ammo meni telbalik qutqardi va oni aql giriftor qildi".¹⁰

Mashrab nazdicha , Mansur Hallojga "analhaq" bodasin ichirgan ham , uni xalq orasida junun aylagan ham va uni dor ostiga olib borgan ham shu ishqdir.

"Kufr aytti !" deb Nasimiy terisini suydilar , Go'sht-u po'stin so'zlatib , olamga go'yo qildi ishq.

Yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek , Farididdin Attor , Boborahim Mashrab kabi isyonkor shoirlar uchun ma'naviy piri komil Mansur Halloj hisoblangan. Ular uchun Husayn Mansur Halloj haqiqiy ish timsoli bo'lgan va bu shoirlar Mansurning "analhaq'lik ta'limotini davom ettirishgan. Xuddi shunday Imomiddin Nasimiy ham Mansur – ilohiy ishq oshig'i , o'z e'tiqodlarida sobitlik timsoli. U Mansur Hallojga e'tiqodi balandligidan she'rlarini Husayniy (Mansur ismiga moslab) taxallusi ostida yozadi. Nasimiy ham Mansurdek adolatparvar , haqgo'y va chin oshiq edi. U ham dunyo yaralmasdan turib oshiq bo'lganman , deya iddao qiladi (Mashrabning

yo'zish uslubi ham Nasimiy uslubiga o'xshab ketadi) :

Yer bilan ko'k bino bo'lmasdan avval , Nasimiy oshiq edi ul jamola.

Misr sultoni Muayyaddin Imomiddin Nasimiyni dahriylikda ayblab , qatl etishga buyuradi va 1417 - yili uning terisini tovonidan boshlab , tiriklayin shiladilar.

Nasimiyning o'limi bilan bog'liq rivoyatlardan birida aytilishicha , shoirning qatliga fatvo bergan ruhoniylar :

–Bu shunchalik mal'undirki , uning qoni qayerga sachrasa , shu yerni kesib tashlash kerak ! – deydi.

Tasodifan shoirning qonidan bir tomchisi o'sha ruhoniyning barmog'iga sachraydi. Jamoat undan barmog'ini kesib tashlashni talab qiladi. U esa :

–Men bu so'zni shunchaki bir misol tarzida aytgan edim , – deb shosha - pisha barmog'ini yashiradi. Shu payt qonga belangan shoir :

Zohiding bir barmog'in kessang , tonib Haqdin qochar , Ko'r bu miskin oshiqi sarpo so'yarlar yig'lamas , –

deya o'zining isyonkor ovozini baland ko'taradi va o'z dushmanlari ustidan ma'naviy g'alaba qozongan holda ko'z yumadi.¹¹

Boborahim Mashrab shuni aytmoqchiki , Nasimiyni vahshiyona o'limga hukm qilgan ham shu ishq g'avg'osi va ko'ngil isyonidir. Ishq oshiq boshiga turli xil azob-uqubatlarni soladi , unisinaydi , qiynaydi va ana shunday "rohatli" o'limni hadya qiladi. Lekin oshiq bu zohirin azoblarga hech ham parvo qilmaydi , uning uchun eng muhim narsa ma'shuq jamoli va vahdat

⁹Abdullayev A. Tasavvuf va uning namoyondalari. Ilmiy - ommabop risola. – Termiz : ,2007, 133-b.

¹⁰Alisher Navoiy. Nasoyim ul-muhabbat. Mukammal asarlar to'plami. 20 tomlik. 17- tom. – Tosh. : "Fan" nashriyoti , 2001 , 106 - b.

¹¹Arasli H. Imomiddin Nasimiy (Hayoti va ijodi). Suyima G'aniyeva tarjimasini. – T.: "Fan",1973, 16-b.



masaladir. Oshiqning asl maqsadi ham asli mana shu ikki narsadir, ya'ni Alloh vasliga erishish va u bilan birlik hosil qilishdir.

Shayx San'ondin bo'lib to'rt yuz murid sohibkamol,

Ko'rdi tarsozodani xo'kbonu tarso qildi ishq.

Fariddin Attorning "Mantiq ut-tayr" va Alisher Navoiyning "Lison ut-tayr" asarlarida tarso qizga oshiq bo'lgan Shayx San'on hikoyati mavjud. Asarda Shayx San'on ilohiyot ilmidan g'oyat xabardor orif inson sifatida tasvirlanadi. U ilmda shuhratli to'rt yuz muridning piri komili edi, ammo u tarso qizni ko'rgach, shaydo-yu muftalo bo'lib qoladi. Bu ishq yo'lida islomdan voz kechadi, Qur'onni o'tda yoqadi, beliga zunnor bog'laydi, nasroniylik diniga kiradi va hatto shu tarsozoda uchun ho'kiz boquvchi ham bo'ladi, xullas, ishq yo'lida nimaiki yuz bersa – barchasini boshdan kechiradi, bariga chidaydi. Shayx San'on bu yo'lda o'zligi, bilim va mansab g'ururini tashlab, chin oshiqqa aylanadi. Tarsozoda ishqida chin Majnunga aylanadi va oxir oqibatda ilohiy muhabbatga erishadi. Endi uning komillik darajasi oldindi maqomidan ham yuksak bo'ladi. Endi u butunlay boshqa odam, ma'rifatni g'oyat chuqur egallagan komil shayx edi. Demakki, chin ma'nodagi komillik va yuksak kamolot aynan ana shu ishq orqali amalga oshadi. Shayx San'on ham ishq sinovidan muvafaqqiyatli o'tib, yuksak rutbadagi shayxga aylandi, ishq sinovida toblangan komil shaxs bo'ladi.

Najmiddin Komilovning ta'kidlashicha, Shayx San'onning (Navoiy "Lison ut-tayr" dostoni qahramoni) ilmlari va Qur'onning xotirasidan ko'tarilishi – bu Ilohga yetish uchun barcha dunyoviylikdan, jumladan, dunyoviy ilmlardan xoli bo'lish, aqldan va

aqliy narsalardan qutulish, o'zligini unutishga ishoradir. Uning xotirasining qaytishi esa "sukra"dan "sahv"ga qaytishidir. ("Sukra", ya'ni Majnun bo'lib Ilohni sevish va behudlik, devonalik holatida irfon (ma'rifat haqidagi bilimlar majmui) qozonish...)¹²

Bildiyu eshitti Mashrabning qarori yo'q ekan,

Zohirin go'yo qilib, botinin bino qildi ishq.

Alloh Mashrabdek oshig'i borligini bildi, oh-u afg'onin eshitdi, Haq vasli umidida beqaror ekanligin bildi va zohirin barbod aylab, botinin bino qildi.

Mashrab ham yuqorida nomlari zikr qilingan mutasavvufilar bilan ko'zlagan maqsadi birbo'lgan bo'lgan oshiqdir. G'azalning oxirgi baytida Mashrab o'z qismatini oldindan bashorat qilganday bo'ladi, ya'ni mening zohiran o'ldirib, botinan yuksaltiradigan tuyg'u ishqidir, deydi. Boborahim Mashrab ham ishq hajrida Mansur Halloj, Imomiddin Nasimiy, Shayx San'onlardan kam azob tortmadi. U ham Balx shahrida Mahmud Qatag'oniy amriga muvofiq dorgaosiladi (MansurHallojdek): Qonimni to'kar ermish Balx shahrida Mahmudxon,

Taqdiri azal bo'lsa, naylay, anga bermayin jon (148 - bet)

Ushbu g'azalda ishq vodiysida sarson kezgan sarmast jununlar, ishq azobi va ishq sinovi tufayli komillikka erishgan so'fiylar, oriflar taqdiriga ishora qilingan va

har baytida talmih badiiy san'ati mohirona qo'llangan. Unda mashrabona sodda va ravon til, isyonkorona ruh va tushunarli, ixcham yozish uslubi bor. Favqulodda iste'dod sohibi bo'lgan Boborahim Mashrab birgina bayti orqali mushtariyga juda katta ma'noni bera oladi.

¹²Komilov N. Tasavvuf yoki komil inson axloqi. Birinchi kitob. – T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1996, 47-b.



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли Фармони асосида жорий этилган янги тартибга мувофиқ, 2020 йилда 7 927 нафар фуқароларга умумий қиймати 1747,0 млрд. сўм миқдордаги ипотека кредитлари ажратилди;

*янги тартиб доирасида уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож, субсидия маблағлари ажратилган 2192 нафар фуқарога 503,8 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилди².

Республика тижорат банкларининг аҳолини ипотекали кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар, фикримизча, қуйидагилардан иборатдир:

²Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитлари. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

³ Пул-кредит сиёсати. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

1. Ипотека кредитларининг фоиз ставкаларини юқори эканлиги.

2017 йил 28 июнда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасини бирдан 5 фоизли пунктга оширилиши ва унинг йиллик фоиз ставкасини 14 фоиз қилиб белгиланиши тижорат банклари кредитларининг, шу жумладан, ипотека кредитларининг фоиз ставкаларини ошишига олиб келди. Бу эса, аҳолининг банкларнинг ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятини сезиларли даражада пасайтирди.

Ўз навбатида, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини оширилиши инфляция даражасининг юқори эканлиги билан боғлиқдир. 2017 йилда республикада инфляциянинг йиллик даражаси 14,4 фоизни ташкил этди³.

2. Тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев эътироф этганидек, «банкларга қўйилган депозитларнинг 70 фоизи қисқа муддатли бўлгани ҳолда, кредитларнинг 90 фоизи узоқ муддатга берилган»⁴. Бу эса, республикада банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслигидан далолат беради.

Фикримизча, республикада банкларнинг аҳолини ипотекали кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

1. Ипотека кредитлари фоиз ставкаларининг паст ва барқарор даражасини таъминлаш мақсадида, биринчидан, ипоотека кредитларининг

⁴ Мирзиёев Ш.М. Банклар энди «ўз аравасини ўзи тортиши керак». <https://sputniknews-uz.com/economy/20191026/2694075>.



фоиз ставкасини инфляциянинг жорий даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш ҳамда ипотека кредитининг фоиз ставкаси ва кредитларнинг бозор ставкаси ўртасидаги фарқни Ипотекани қўллаб-қувватлаш фондининг маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш лозим; иккинчидан, ссуда капиталлари бозорида кредит ресурслари таклифи билан кредит ресурсларига бўлган талаб ўртасидаги мувозанат бузилишига тезкор таъсир қилиш имконини берадиган механизмни яратиш керак.

2. Ипотека кредитларининг ресурс таъминотини яхшилаш мақсадида, биринчидан, ипотека кредитларининг муддатлари билан жалб қилинган ресурсларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш лозим;

иккинчидан, узоқ муддатли ипотека облигацияларини сотишдан олинган пул маблағларини банкларнинг субординациялашган қарз мажбуриятлари сифатида тан олиш ва уларни биринчи даражали капитал таркибида ҳисобга олиш лозим; учинчидан, инвесторларнинг банкларнинг ипотека облигацияларига қилинган инвестицияларидан олинган даромадлар солиққа тортилмаслиги керак. Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида:

*банклар фаолиятидаги трансформация риси даражаси пасаяди;

*ипотека кредитлари берувчи банкларнинг биринчи даражали капитали миқдори кўпаяди;

*учинчидан, ипотека облигацияларининг инвестицион жозибadorлиги ошади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017
2. Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитлари. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).
3. Пул-кредит сиёсати. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).
4. Мирзиёев Ш.М. Банклар энди «ўз аравасини ўзи тортиши керак». <https://sputniknews-uz.com/economy/20191026/2694075>.



THE ROLE OF PSYCHOLOGY IN SOCIETY

Jumayeva Mashxura O'tkirova¹

¹ Psychologist of the 85th comprehensive school of Denau district

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4904206>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021

Accepted: 25th May 2021

Online: 30th May 2021

KEY WORDS

psychology, personality,
psychological knowledge

ABSTRACT

The article discusses the concepts of psychology, the development of society and the role, significance, objectives and role of psychological knowledge in the development of personality. After all, the importance of psychological knowledge in the formation of a person as a mature person is incomparable. This, in turn, has a direct impact on the development of society and the country.

JAMIYATDA PSIXOLOGIYANING O'RNI

Jumayeva Mashxura O'tkirova¹

¹ Denov tumani 85-umumiy o'rta ta'lim maktabi psixologi

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021

Ma'qullandi: 25-May 2021

Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

psixologiya, shaxsiyat,
psixologik bilim

ANNOTATSIYA

Maqolada psixologiya tushunchalari, jamiyat taraqqiyoti va shaxsiyatni rivojlantirishda psixologik bilimlarning o'rni, ahamiyati, vazifalari va roli muhokama qilinadi. Zero, insonni etuk inson sifatida shakllantirishda psixologik bilimlarning ahamiyati beqiyosdir. Bu, o'z navbatida, jamiyat va mamlakat taraqqiyotiga bevosita ta'sir qiladi.

Psixologiya inson faoliyati, xulq-atvori, turmush tarzi va rivojlanishida muhim rol o'ynaydi. Boshqa tomondan, psixologik bilimlarning mavjudligi insonga hayotda va jamiyatda o'z o'rnini va mukammalligiga ega bo'lishiga yordam beradi. Psixologik bilim har bir insonda ozmi-ko'pmi shakllanadi. Inson kundalik hayot haqida noyob psixologik bilimlarni egallagan va o'z darajasi va salohiyatiga ega bo'lgan har xil etuklik darajasiga ega. Kundalik hayotdagi psixologik bilimlar bilan bir qatorda ilmiy psixologik bilimlar ham mavjud va ular bir-biridan farq qiladi. Bunga kundalik hayot, aniq va izolyatsiya qilingan holatlar, vaziyatlar

haqidagi psixologik bilimlar kiradi. Boshqa tomondan, ilmiy psixologiya ma'lum usullar, vositalar, usullar, texnikalar yordamida ma'lumotlarni to'plash va ularni umumlashtirishga intiladi. Odatda shaxsning xususiyatlari, xulq-atvori, xulq-atvori, yashash sharoiti va ilm-fan olami o'xshash, ammo ilmiy psixologik bilimlar aniqligi va izchilligi bilan ajralib turadi.

Inson psixologiyasini bilish, o'z rivojlanishini va iste'dodini tashkil qilishni bilish, har qanday yoshdagi maqbul ko'rsatkichlar, har xil o'zgarishlarga psixologik tayyorlik, yangicha fikrlash va tafakkur, kechayotgan jarayonlarni xolis va aniq



anglash. Idrok etish qobiliyatini rivojlantirish uchun asos yaratadi. Hozirgi, yangi davr har bir kishidan o'zlarining ichki imkoniyatlari to'g'risida etarli ma'lumotni, ushbu bilimlar zaxirasi bilan qarindoshlari va hamkasblarining aqliy dunyosini bilishni talab qiladi. Buyuk Sokrat bir paytlar shunday shiorni ilgari surgan: "O'zingni bil. Yangi davrda, ushbu bilimlardan tashqari, "atrofdagilarni va ular nima qilayotganini bilib oling" shiorini har qachongidan ham dolzarbroq qilib qo'ying. psixologik bilimlarga ega bo'lish muhim va psixologik bilimlar orqali inson ulug'vorlikka erishadi, jamiyat taraqqiyotiga hissa qo'shadi, o'z bilimi va salohiyatini namoyish etadi, o'zining jasoratini namoyish etadi va butun kuch va kuchini sarflab mamlakat taraqqiyotida sodir bo'ladi.

Bugungi globallashuv sharoitida psixologik bilimlarni egallash insonning jamiyatdagi o'rni va mavqeiga, axborot xurujlariga va turli xil ma'lumotlarning mamlakatimizga va boshqa mamlakatlarga turli yo'llar bilan kirib borishiga, shuningdek, qadriyatlarga yordam beradi. asrlar davomida u yoki bu mintaqada shakllangan., urf-odatlariga salbiy yoki ijobiy ta'sir ko'rsatish jarayonlari, e'tiqod shakllari va ta'lim usullari. Darhaqiqat, yoshlarning bilim va ko'nikmalari, dunyo tillarini bilishi, shuningdek, rivojlanayotgan O'zbekistonga salbiy va ijobiy hujumlarning ta'siri kontekstida inson psixologik jihatdan salbiy hisoblanadi. Eng dolzarb masalalardan biri bu viruslardan himoya qilish. Ya'ni, xoh siyosat bo'lsin, xoh iqtisod, mafkura yoki ma'naviyat, ta'lim yoki qonun bo'ladimi, inson omili, uning qiziqishlari va ehtiyojlarini o'rganish, hayot tomonlariga moslashish va chuqur fikrlash ko'nikmalarini rivojlantirish eng muhim va asosiy hisoblanadi. bu muammolardan biri.

Yoshlarni milliy mafkura ruhida tarbiyalash inson ongi va ongi uchun kurashishning eng samarali usullaridan biridir.

Davlatimiz rahbari Islom Karimov ta'kidlaganidek: "Milliy istiqlol g'oyasi va mafkurasi to'g'risida gap ketganda, biz insoniyat tarixidagi juda keng qamrovli, murakkab, ko'p qirrali, aniq va mukammal ifoda, yaxlit misol haqida gaplashmoqdamiz - shuning uchun uzoq. tushunchalarni yaratish, men o'zimni tanishtirishimiz kerak deb o'ylayman. Ushbu tushunchalar Vatan ravnaqi, mamlakat tinchligi, xalq farovonligi kabi yuksak g'oyalarning mazmun-mohiyatini chuqur anglashga xizmat qiladi. Ushbu mafkura doimo rivojlanib va takomillashib boradigan, taraqqiyotning o'ziga xos yo'li, turmush tarzi, jamiyatimizning tub manfaatlariga asoslangan, odamlar, millat, uning sha'ni, qadr-qimmatini, e'tiqodini ifodalovchi g'oyalar tizimidir. "

Psixologik bilimlarning potentsialini shakllantirish va rivojlantirish uchun jamiyat a'zosi bo'lgan odamlarning ma'naviyatini ko'tarish, ongida ijobiy g'oyalarni shakllantirish va bu bilimlarning hayotdagi o'rni uchun qanchalik muhimligini tushuntirish zarur. Shundagina yaxshi natijaga erishish mumkin. Ya'ni, jamiyatni shakllantirishda har bir insonning roli juda muhimligini bilish muhimdir. Mamlakat taraqqiyotiga qo'shgan hissasi va kelajakdagi salohiyati va hayotdagi o'rni jihatidan ham yosh avlodning yuqori darajadagi bilimlari, ayniqsa, psixologik bilimlarga ega bo'lishdir. Binobarin, psixologik bilimlar jamiyat taraqqiyotida bo'lgani kabi odamlarning shaxsiy rivojlanishida ham muhim rol o'ynaydi. Hayotda inson taraqqiyotining yuqori darajasi uning psixologik bilimlari bilan bevosita bog'liq bo'lganligi sababli, u ham jamiyatning bosqichma-bosqich rivojlanishiga zamin yaratadi.

Xulosa qilib aytmoqchimanki, psixologik bilimlarni olish butun insoniyat uchun, barcha mutaxassislar uchun zarurat bo'lib qolmoqda. Chunki inson psixikasi



xususiyatlaridagi barcha o'zgarishlar uning kasbiy faoliyatida ham, turmush tarzida ham muhimdir. Psixologik bilimga ega inson atrofdagi voqealarga, jamiyatdagi o'zgarishlarga ijobiy va oqilona javob bera oladi. Insonning etuklik darajasi va undagi psixologik bilimlarning shakllanishi uning hayotdagi o'rni, mavqei va harakatlarida aks etadi. Jamiyat taraqqiyoti odamlar, ularning ishtiroki bilan bevosita bog'liqdir. Shuning

uchun jismoniy rivojlanish bilan bir qatorda har bir inson yuqori aqliy rivojlanishga ega bo'lishi kerak. Ya'ni, inson ma'naviyatining yuqori darajada rivojlanishi, ta'lim salohiyati va xususan, psixologik va psixologik ko'nikmalar, o'z navbatida, jamiyat va mamlakat barqarorligiga ulkan hissa qo'shadi. Binobarin, psixologik bilim har bir inson o'zini har tomonlama ifoda etishi uchun zarur va shu bilan birga zarurdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Каримов И.А. Пусть идеология нашего общества служит тому, чтобы сделать людей людьми, нацию - нацией. -Т.: Узбекистан, 1998. - С. 15.
2. И.А. Каримов. Гармонично развитое поколение - основа развития Узбекистана. Ташкент Шарк, 1999.
3. Гозиев Э.Г. Общая психология. Ташкент 2002. 1-2 кн.



CALENDULA AND ITS HEALING PROPERTIES

Akbarov Nurisлом Axtamjon o'g'li¹, Muxitdinova Maxfuza Kamolovna²

¹ Termiz Davlat Universiteti Ta'lim- tarbiya nazariyasi va metodikasi

(boshlang'ich ta'lim) mutaxassisligi 1- kurs magistranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4910757>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021

Accepted: 25th May 2021

Online: 30th May 2021

KEY WORDS

calendula, marigold, tincture

ABSTRACT

This article provides information about the calendula plant, its medicinal properties, distribution and specific properties

КАЛЕНДУЛА И ЕЕ ЛЕЧЕБНЫЕ СВОЙСТВА

Акбаров Нурислом Ахтамжон ўгли¹, Мухитдинова Махфуза Камоловна²

¹ Студент Ташкентского фармацевтического института

² Ассистент кафедры фармакогнозии Ташкентского фармацевтического института

ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 20 мая 2021 г.

Утверждено: 25 мая 2021 г.

Опубликовано: 30 мая 2021 г.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

календула, ноготки, настойка

АННОТАЦИЯ

В этой статье представлена информация о растении календула, его лечебных свойствах, распространении и специфических свойствах.

Ноготки лекарственные, или календула лекарственная (лат. *Calendula officinalis*) — травянистое растение, вид рода Календула семейства Астровые (*Asteraceae*).

Натурализировано и культивируется повсеместно в умеренном климате Европы, Азии и Австралии. Родина растения неизвестна[2].

Растение светолюбиво, холодостойко (выдерживает заморозки до -5°C), неприхотливо.

Однолетнее прямостоячее растение высотой от 20 до 75 см. Корень стержневой.

Побеги толстые, ребристые, светло-зелёные, опушённые липкими железистыми волосками. Листья простые, очередные, светло-зелёные, удлинённые



или овальные, опушены редкими жёсткими волосками.

Обёртка однорядная, с узкими листочками. Язычковые цветки — жёлтые или оранжевые, сверху блестящие, с нижней стороны матовые; трубчатые — мелкие, жёлтые, оранжевые или тёмно-коричневые. Соцветия — корзинки диаметром 5—6 см.

Плоды — семянки разной формы и величины.

Цветёт с июня до осенних заморозков. Плоды созревают в июле — сентябре. Размножается семенами.

Как лекарственное растение выращивается на промышленных плантациях.

Применяют как ранозаживляющее, бактерицидное и противовоспалительное средство: настой — как желчегонное, настойка — при ангине, желудочно-кишечных заболеваниях, воспалительных процессах печени, для лечения пародонтоза; мазь — при ушибах, порезах, фурункулезе, ожогах, дезинфицирует раны; препарат «Калефлон» — как противоязвенное средство[3].

Употребляют для ароматизации и окраски сыра и масла, как приправу к разным блюдам и в качестве гарнира к супам, салатам, тушёным блюдам.

Сорта календулы лекарственной чрезвычайно разнообразны по окраске; в качестве декоративных особенно популярны два махровых сорта: 'Lemon Queen' ('Лимонная королева') и 'Orange King' ('Апельсиновый король').

В качестве лекарственного сырья используются цветки ноготков (лат. Flores Calendulae). Цветки собирают многократно с начала цветения до заморозков через 3—

5 дней. Сушат в сушилках при температуре 50—60 °С, реже в воздушных сушилках или под навесами при хорошем проветривании. Срок годности сырья 2 года[3].

В надземной части растения содержатся горечи, дубильные вещества, фитонциды; в семенах — жирное масло и алкалоиды; цветки ноготков содержат эфирное масло, каротиноиды (α - и β -каротины, ликопин, лютеин, виолаксантин и др.), флавоноиды, сапонины, салициловую кислоту, смолы, слизь, органические кислоты, следы алкалоидов[3].

Препараты, изготовленные на основе календулы, оказывают успокаивающее действие на центральную нервную систему, снижают рефлекторную возбудимость, обладают бактерицидным свойством в отношении ряда возбудителей, особенно стафилококков и стрептококков.

Широко известны лекарственные свойства календулы. Настоем календулы полощут рот и горло при признаках простуды. Применение настоя внутрь поможет при болезнях желудка и кишечника, печени, желчных путей. Благоприятно действует он и при сердечно-сосудистых заболеваниях, мягко снижая давление. В домашних условиях вполне можно также приготовить масло календулы. Для это надо плотно стеклянную банку соцветиями и оставить ее на солнце. Через 4—5 дней на дне банки появится маслянистая жидкость светло-оранжевого цвета. Ее можно использовать как мазь для заживления ран, а также при трещинах кожи или обморожении.

**Рисунок 1. Календула лекарственная**

Но выращивают ее не столько ради того, чтобы собрать и засушить впрок, сколько за красоту. Выбор махровых сортов календулы с соцветиями черепитчатой и анемоновидной формы сегодня велик. Окраска может быть золотистой, кремовой, абрикосовой, оранжевой, темно-коричневой, бордовой. Есть оригинальные сорта с розоватым оттенком ('Розовый сюрприз') и зеленым центром ('Зеленое сердце'). В жару соцветия могут мельчать, их махровость – снижаться, но при наступлении прохладной влажной погоды они вновь обретут прежние формы. Календула хорошо стоит в срезке. Своевременное

удаление отцветших корзинок продлевает цветение.

Низкорослые сорта можно выращивать на балконах и в контейнерах, в рабатках и бордюрах, высокорослые отлично впишутся в миксбордеры. Календула входит в состав смесей для однолетних цветущих газонов. Ноготки будут уместны и в огороде: они отпугивают некоторых вредителей, например гусениц бражника пятиточечного или спаржевых трещалок. Лепестки же цветков можно использовать для украшения блюд: они съедобны и обладают мягким ароматом. А молодые листья придадут свежую нотку салатам.

Литературы:

- 1. Ботанико-фармакогностический словарь: Справ. пособие / К. Ф. Блинова, Н. А. Борисова, Г. Б. Гортинский и др.; Под ред. К. Ф. Блиновой, Г. П. Яковлева. — М.: Высш. шк., 1990. — С. 192—193. — ISBN 5-06000085-0.
- 2. Дудченко Л. Г., Козьяков А. С., Кривенко В. В. Пряно-ароматические и пряно-вкусовые растения: Справочник / Отв. ред. К. М. Сытник. — К.: Наукова думка, 1989. — 304 с. — 100 000 экз. — ISBN 5-12-000483-0.



ANALYSIS OF PROSE WORKS AND ITS IMPACT ON THE CHILD'S PSYCHE

Artikova Shokhista Abduganiyevna²

¹ Termez State University Theory and methods of education
(primary education) specialty 1st year master's degree
<https://doi.org/10.5281/zenodo.4904226>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021
Accepted: 25th May 2021
Online: 30th May 2021

KEY WORDS

Uzbek children's literature, folk melodies, monographs, lyrical or comic tendencies, creative products, children's cinema and theater, to glorify the motherland.

ABSTRACT

This article provides an analysis of the works and at the same time the impact of these works on the upbringing and psyche of children. At the same time, the analysis is divided into characters.

NASRIY ASARLAR TAHLILI VA BOLA RUHIYATIGA TA'SIRI

Ortiqova Shoxista Abdug'ani qizi¹

¹ Termiz Davlat Universiteti Ta'lim- tarbiya nazariyasi va metodikasi
(boshlang'ich ta'lim) mutaxassisligi 1- kurs magistranti

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021
Ma'qullandi: 25-May 2021
Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

o'zbek bolalar adabiyoti, xalqona ohang, monografiyalar, lirik yoki komik mayl, ijod mahsuli, bolalar kinosi va teatri. Vatan madhi.

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada asarlar tahlili va shu bilan birgalikda ushbu asarlarning bolalar tarbiyasi va ruhiyatiga ta'siri haqida keltirib o'tilgan. Shu bilan birgalikda tahlil qilish jarayonida xarakterlarga bo'linib ham tavsif berilgan.

O'zbek bolalar adabiyotining so'z san'ati sifatidagi ulug'vor vazifasi va tarbiyachilik vositasi istiqbol yillarida alohida e'tiborga tushdi. Respublikamizning Birinchi Prezidenti I.A.Karimovning "Adabiyotga e'tibor– ma'naviyatga, kelajakka e'tibor" yo'riqnomasida adabiyot, so'z san'ati azaldan xalq qalbining ifodachisi ekanligi ta'kidlab ko'rsatilar ekan, jumladan shunday deyilgan:

"Ayniqsa, biz uchun g'oyat muhim ahamiyatga ega bo'lgan bolalar adabiyotini rivojlantirishga alohida e'tibor berishimiz, mustaqil fikrlaydigan shaxslarning shakllanishi, har qanday kitobxonlik, mutolaa madaniyati bolalikdan boshlanishini doimo yodda tutishimiz lozim".¹

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining Prezidenti Sh.M.



Mirziyoyevning 2017 yil 9 sentabrda e'lon qilingan "Maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorida alohida belgilab berilganidek, bolalikdan kitob o'qishga qiziqish uyg'otuvchi o'quv-metodik, didaktik materiallar va badiiy adabiyotlarni tayyorlash haqidagi, 2017 yil 13 sentabrdagi "Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ib qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturi to'g'risida"gi qarorlari ham bu fanning maqsad mohiyatini oydinlashtirishga yordam beradi. Chindan ham bu jiddiy vazifani bajarishda, aniqrog'i, mustaqil yurtning har tomonlama yetuk, barkamol avlodini tarbiyalashda asrlar osha xalq an'analari, milliy qadriyatlar, folklor namunalari, milliy adabiyotimiz va jahon xalqlari adabiyoti an'analari zaminida voqelikka aylangan **o'zbek bolalar adabiyotining** beqiyos o'rni bor.

Yarim asrdan oshayotirki, pedagogika oliygohlari va kollejlarning boshlang'ich ta'lim usuliyoti, maktabgacha ta'lim yo'nalishlari talabalari ushbu fanni chuqur o'rganib kelmoqdalar. Bu davr mobaynida bolalar adabiyoti fani bo'yicha chop etilib kelingan darslik va qo'llanmalar tom ma'noda, yosh avlodni tarbiyalashda ruhiy va ma'naviy quvvat bo'lib kelganiga shubha yo'q. Ammo, XXI asr milliy bolalar adabiyoti namunalariga qo'yilgan talablarning ortgani bejiz emas. O'zbek bolalar adabiyotining badiiy jihatdan yuksak namunalariga keng e'tibor qaratish, yangi asr kichkintoylarining shiddat bilan rivojlanayotgan qiziqishlari, ruhiy, ma'naviy olami, ularning ijtimoiy hayotga munosabati masalalari aks etgan asarlar tahlili orqali talabalarda estetik, axloqiy-ma'rifiy, ijtimoiy-siyosiy tarbiyani shakllantirish muhim ahamiyatga ega.

P.Shermuhammedov, J.Tursunov,
O.Safarov, X.Egamovlar muallifligidagi

"O'zbek bolalar adabiyoti" darslik xrestomatiyasi (1976), O'zbekiston FA Til va adabiyot instituti tomonidan tayyorlab nashr etilgan "O'zbek bolalar adabiyoti tarixi ocherklari" (1978), "Bolalar adabiyoti va zamonaviylik"(1981), "O'zbek bolalar adabiyoti va adabiy jarayon" (1989) kabi monografiyalar ham o'ziga xos hodisa bo'ldi. Biroq, o'zbek bolalar adabiyoti va bolalar kitobxonligi mundarijasini o'zida mujassamlashtiruvchi, XX asr o'zbek bolalar adabiyoti namunalarining g'oyaviy, janriy, badiiy-kompozitsion jihatidan o'ziga xosligi, ularning kichkintoylar, bolalar va o'smirlar yosh xususiyatlariga ko'ra ifoda olami kabilarni milliy istiqloq tafakkuri nuqtayi nazaridan chinakam tahlil va tadqiqot asosidagi ilmiy tarix hanuzgacha yaratilgani yo'q. Zotan, ushbu qo'llanma mazkur vazifani qisman ado etish maqsadini ko'zda tutadi.

Bunda o'zbek bolalar adabiyotining bir asrlik tarixi, tadrijiy taraqqiyot xususiyatlari, XX asr bolalar adabiyotidagi fenomen yozuvchi va shoirlarning ijodi umymlashtirilishga, shuningdek, istiqloq davri bolalar adabiyotining yangi tamoyillariga munosabat bildirishga e'tibor qaratildi.

Bolalar adabiyoti avvalo:

– so'z san'atiga asoslangani va badiiy ijod mahsuli ekanligi jihatdan umumadabiyotga hamohang bo'lsa;

– unda bolalar ta'lim-tarbiyasi ustuvorligi pedagogika bilan;

– bolalar va o'smirlarning murakkab ruhiyati, qiziqishlarini aks ettirishi psixologiya;

– yosh xususiyatlarini ifodalashi fiziologiya bilan;

– ona-tabiat, atrof-olam hodisalarini keng aks ettirishiga ko'ra tabiatshunoslik fanlari;

– kichkintoylar til xususiyatlarini mujassamlashtirib tilshunoslik fanlari va defektologiya;



– xalqona ohang va jonli so‘zlashuv tilidan foydalanib, xalq og‘zaki ijodi bilan uzviylikda namoyon bo‘ladi.

Bolalarbop barcha asarlarda yosh avlodning dunyoqarashi, tafakkuri, o‘y-kechinmalari, orzu-istaklari, voqelikka estetik munosabati o‘z ifodasini topadi. Ularning aksariyati yozuvchilar (kattalar) tomonidan yaratilsa-da, voqelik bolalar dunyoqarashi nuqtayi nazaridan talqin va tadqiq etiladi, bolalar tilidan hikoya qilinadi va baholanadi. Binobarin, xuddi shu xususiyatlarni o‘zida namoyon qila oladigan o‘zbek bolalar adabiyoti XX asrning 20-30-yillarida to‘liq shakllanib, umumadabiyotning alohida tarmog‘i sifatida maxsus yo‘nalish kasb etadi. Bunda Abdulla Avloniy, Hamza Hakimzoda Niyoziy singari ilk namoyandalari, Shokir Sulaymon, G‘ayratiy, Dorjiya Oppoqova, G‘ulom Zafariy, Elbek, Hamid Olimjon, G‘afur G‘ulom, Ilyos Muslim, Zafar Diyor, Sulton Jo‘ra, Qudrat Hikmat, Quddus Muhammadiy, Shukur Sa‘dulla, Hakim Nazir, Po‘lat Mo‘min kabi professional yozuvchi-shoirilar o‘z ijodi orqali sohaning shakllanishi va taraqqiyot xususiyatlarini belgilay oladi. Natijada, bolalar **she‘riyati**, **nasri** o‘tgan asrning ikkinchi yarmidan ancha yuksaldi. Bolalar **dramaturgiyasi** va **publitsistikasiga** asos solindi. Bolalar **kinosi** va **teatri** rivojlandi. Muhimi, bu istiloh ruscha “detskaya literatura” so‘zining aynan tarjimasini tarzida emas, balki real voqelikka aylangan, o‘zbek bolalariga mo‘ljallanib yaratila boshlangan, ularga ixtisoslashgan adabiy hodisani ifodalagan holda dunyoga keldi. Buning tarixiy-tadrijiy tamoyillari, ilmiy-nazariy umumlashmasi esa **“Bolalar adabiyoti”** deb nomlangan mustaqil fan tarixida o‘z ifodasini topa bordi.

Badiiy obrazning, voqelikning aniq-tiniqligi, ko‘rimsiligi. Bu xususiyat aksaran, maktabgacha tarbiya va kichik maktab yoshidagi o‘quvchilar kitobxonligiga xos. Ular uchun yozilgan asarlarning har bir jumlasida

asosida rasm chizish mumkin. G‘afur G‘ulomning “O‘ylashni o‘rganamiz” she‘rida mavhum hodisani ko‘rimli qilib tasvirlash yorqin kuzatiladi. Muxtorjon olti yoshli singlisi Munisxondan “O‘ylashni bilasanmi?”– deb so‘raganida, uning: “Aka-a, o‘zing ayta qol, O‘ylash degan nimadi?”, – deya iqror bo‘lgani bejiz emas. Shunda, Muxtorjonning “jiddiy turib”, “qoshini birga yig‘ib” o‘ylashida ham aynan kichkintoylarga xos “muzqaymoqdan tog‘, nuqul gilos bog‘, bir qozon qaymoq, “tuyaday pishloq” kabi obrazlar ko‘rimsiligi – predmetlilik kasb etadi. Bu esa kichkintoylar tasavvurini yorqinlashtiradi.

Kichik maktab yoshidagi o‘quvchilarga mo‘ljallab yozilgan asarlarda yana do‘stlik, Vatanga muhabbat, iymon, e‘tiqod singari mavhum tushunchalar obrazli tasvirda, ramziy detallarda tasvirlanadi. A.Obidjonning “Vatan” she‘ri bugungi yosh avlod tafakkuri, o‘tkir aql-idrokiga monandligi bilan e‘tiborga loyiq :

Hikoya qilishda lirik yoki komik mayning kuchliligi. Bolalar adabiyotining asosiy xususiyatlaridan biri – uning samimiy his-tuyg‘ularga boyligi ekani o‘z vaqtida V.G.Belinskiy tomonidan qayta-qayta uqdirilgan edi. Quvnoq yumor esa uni yanada to‘ldiradi. Bu hali-hanuz bolalar adabiyotining o‘ziga xosligini belgilab kelmoqda. N.G.Chernishevskiy shu ma‘noda, bolalarga mo‘ljallangan badiiy asarlarda “Vah... Qanday dahshat?”, “Ey, muncha kulgili!”, “Bay-bay, muncha yaxshi!” kayfiyatlarini qo‘zg‘ovchi alomatlar bo‘lmasa, yosh kitobxonlarni to‘lqinlantira olmaydi, deb hisoblagan edi. Shu jihatdan qaralsa, o‘zbek bolalar adabiyoti tarixida ham lirik ko‘tarinkilik va quvnoq yumorga boy asarlar yosh avlod qiziqishiga ko‘proq muvassar bo‘lgan. Zero, G‘afur G‘ulomning “Shum bola”, X.To‘xtaboyevning “Sariq devni minib”, “Sariq devning o‘limi”, “Sehrgarlar jangi yoxud, shirin qovunlar

mamlakati”, A.Obidjonng “Dahshatli Meshpolvon” va “Meshpolvonning janglari” kabi asarlarini o‘zgacha zavq bilan o‘qilishining siri avvalo shunda.

Xarakter va hodisalar ifodasida dinamikaning yorqinligi, jonliligi. Harakatchanlik, tinib-tinchimaslik, hamma narsaga qiziquvchanlik bolalarning tabiatida mavjud. Bu jihat ularbop asarlarda ham o‘z ifodasini topadi. Jahon va o‘zbek bolalar adabiyotidagi Robinzon (“Robinzon Kruzo”), Gulliver (“Gulliverning sayohatlari”), Pinokkio (“Pinokkio va uning boshidan kechirganlari”), Buratino (Oltin kalit yoki Buratinoning sarguzashtlari), Kachal polvon (“Kachal polvon yoxud yog‘och qo‘g‘irchoqning sarguzashtlari”), Qoravoy (“Shum bola”), Hoshimjon (“Sariq devni minib”), Alamazon (“Alamazon va uning piyodalari”) kabi qahramonlarning sarguzashti, o‘ziga xos va mos harakati orqali voqealar sujetida qiziqarililik sodir bo‘lgan. Ba’zi asarlarda esa yanada shiddatli dinamizm ko‘zga tashlanadi. K.Chukovskiyning “Moʻydoʻdyr” (“Yuvin, do‘mbog‘im”), Q.Muhammadiyning “Temirlar o‘yini”, Sh.Sa’dullaning “Ayyor chumchuq” kabi she’rlarida sujet shiddatli dinamizm asosida voqelikka aylangan.

Tilning aniqligi, tushunariligi va serqirraligi. Kichkintoylar asarlarining tili grammatik jihatdan umumadabiyotga mushtarak bo‘lgani holda, bolalarcha tafakkur qilishning ifodaviy vositasi ham. Bunda bolalar adiblarining tilshunoslik mahorati muhim rol o‘ynaydi. Negaki, bolalar kitobxonligida asar til xususiyatlari muhim rol o‘ynaydi. Jamiyat taraqqiyotida tilning o‘zgarib, boyib borishi ayon. Har bir davr yosh avlodining so‘z boyliklari imkoniyati turlicha bo‘ladi. Tushuncha va ifodalarning bola yosh xususiyatlariga mos bo‘lishiuning adresliligini ta’minlaydi.

Maktabgacha ta’lim(tarbiya) yoshidagi bolalar kitobxonligi xususiyatlari L.N.Tolstoyning quyidagi san’atkorona bahosi bilan yaqqol oydinlashadi: “Axir men hozir nimalarda yashayotganimni o‘shanda kashf qilmaganmidim? – deya xotirlagandi u yetmish yillik umriga sarhisob qila turib. –Shuncha ko‘p, shuncha tez kashf etgan narsalarimning yuzdan birini ham, qolgan butun umrim davomida kashf eta oldimmi? Aslo! Besh yashar boladan mengacha – faqat bir qadam, yangi tug‘ilgan chaqaloqdan besh yashar bolagacha – dahshatli masofa!”

Sen yetim emassan,
Tinchlan jigarim,
Quyoshday mehribon.
Vataning — onang,
Zaminday vazmin-u.



Mehnatkash mushfiq
Istagan narsangni tayyorlaguvehi
Xalq bor — otang bor.
Cho‘chima, jigarim,
O‘z uyingdasan.



Umuman, bu she'r yaratilganidan buyon baralla jaranglab, o'z vaqtida jangchilar uchun umid va ularning O'zbekistonga evakuatsiya qilingan yetim farzandlari uchun tasalliga aylangan bo'lib, xalqimiz mehru oqibatining tarannumidan bitilgan. Shu muqaddas adabiy hujjat bor ekan, bolajon xalqimizning yetimparvarlik jasorati tarixining bu yorqin sahifalarini hech kim na o'chira oladi va na o'zgartira oladi.

G'afur G'ulom o'z she'rlarida bolalik olamini tarannum qilar ekan, quyidagilarni amalga oshirdi:

1. Har bir she'rda bolalarning kelajagi ulug' bo'lishiga ishonch bor. G'afur G'ulom faylasuf shoir sifatida yosh avlodga ishonch

bildirish, ularni ruhlantirish juda muhimligini angladi. Shu boisdan "Yasha, deyman, o'g'lim!", "Bari seniki" deb xitob qildi.

2. G'afur G'ulom bolalardagi kamchiliklarni yumor yordamida ko'rsatib berdi. "Nortojining kurak tishi", "Ahmadjon fotograf", "Ahmad yomon bola emas, ammo..." kabi she'rlari bolalar hajviyotining o'lmas namunalaridir.

3. Shoirning deyarli har bir she'rida Vatan madhi bor, uning she'rlari yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalay oladi.

4. G'afur G'ulom yosh avlodning komil bo'lishida ilm, maktab, ustoz yetakchi o'rin tutishini she'rlarida yorqin ifoda etdi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Avloniy Abdulla. Tanlangan asarlar.1-2-jild. T., Ma'naviyat, 1998; yana: Turkiy guliston yoxud axloq. T.:O'qituvchi,1992
2. Barishnya-gersoginya. Skazki zarubejnix pisateley.T., Yosh gvardiya, 1988.
3. Svift J. Gulliverning sayohatlari. T., :Sharq, 2006.
- 4 .Perro Sh. Skazki matushki gusini.- M.,1991
5. Zarubejnaya literature dlya detey i yunosheatva. Pod.red. N.K.Mesheryakovoy, I.S.Chernyayevskoy.- M., 1989.
6. O'zbek xalq ertaklari. T.:Sharq, 2006; yana: O'zbek adabiy ertaklari. T.:Meros, 1992
7. G'aniyev A. Sadridin Ayniyning pedagoglik faoliyati. T.:O'qituvchi, 1965.



THE ROLE OF PLANTS AND MICROORGANISMS IN PROTECTING THE ENVIRONMENT

Ro`zieva Nazira Yodgorovna¹, Norbekova Dilrabo Yusufovna²

¹ Teacher of Termez branch of Tashkent State Technical University

² Student of Termez branch of Tashkent State Technical University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4910762>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021

Accepted: 25th May 2021

Online: 30th May 2021

KEY WORDS

biomass, waste,
bioconversion, microbial,
degradation, amplification,
metabolic, cellulose
hemicellulose,
bioconversion

ABSTRACT

The article discusses the role of plants and microorganisms in protecting the environment and how carb-containing waste and associated products can be processed through traditional microbial fermentation or biotechnological processes. Biotechnological processes associated with the metabolism of various organic substances during fermentation pollute the environment both chemically and biologically

O`SIMLIK VA MIKROORGANIZMLARNING ATROF – MUHITNI MUHOFAZA QILISHDAGI ROLI

Ro`zieva Nazira Yodgorovna¹, Norbekova Dilrabo Yusufovna²

¹ TDTU TERMIZ FILIALI o`qituvchisi

² TDTU TERMIZ FILIALI talabasi

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021

Ma`qullandi: 25-May 2021

Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO`ZLAR

biomassa, chiqindilar,
biokonversiya, mikrobl,
degradatsiya,
amplifikatsiya, metabolitik,
Sellyuloza gemitsellyuloza,
biokonversiya

ANNOTATSIYA

Maqolada O`simlik va mikroorganizmlarning atrof – muhitni muhofaza qilishdagi roli tarkibida uglevod bo`lgan chiqindi va yo`ldosh mahsulotlarni an`anaviy mikrobl biog`ish yoki biotexnologik jarayonlar yo`li bilan qayta ishlash mumkinligi haqida ma`lumot berilgan. Biog`ish davomida turli organik moddalarni almashinishi bilan bog`liq bo`lgan biotexnologik jarayonlar atrof-muhitni ham kimyoviy ham biologik jihatdan ifloslantiradi.

Hozirgi vaqtda biotexnologiyaning asosiy obekti sifatida mikroorganizmlardan foydalaniladi. Mikroorganizmlar yordamida turli hil kerakli obeyekt biologik faol moddalar sintezlanadi. Hozirgi vaqtda mikroorganizmlarining mingdan ortiq turi o`rganilgan bo`lib, ularning asosiy qismini bakteriyalar, aktinomitsitlar,

riketsiyalar, sianobakteriyalar, prokariotlar, achitqilar, zamburug`lar, sodda hayvonlar va suv o`tlari tashkil qiladi.

Turli hil mikroorganizmlarning orasidan foydali maxsulot olish maqsadida kerakli hususiyatlarga ega mikroorganizmlarni tanlash jarayoni muhim ahamiyatga egadir.



CHunki to`gri tanlagan obeykt sanoatda biologik jarayon samaradorligini yuqori bo`lishiga olib keladi.

Qishloq xo`jaligi, o`rmon va oziq-ovqat sanoati chiqindilaridan turli maqsadlarda, xususan, biomassani oshirish, hamda undan energiya olish va shu yo`l bilan atrof-muhit ifloslanishini kamaytirishda ishlatiladi. Ularni mikroorganizmlar yordamida bijg`iydigan birikmalargacha parchalash yoki ularni oqsillarga aylantirish mumkin. Oqava suvlarda suv o`tlarini kulturasini ko`paytirib, nafaqat suvlarni tozalash, balki oqsil va mikroelementlarga boy biomassa olish mumkin.

Ko`plab chiqindi va yo`ldosh mahsulotlarni qayta ishlash mumkin. Ma`lumotlarga ko`ra turli boshqoli o`simliklardan taxminan 1700 mln. t. somon chiqadi va bularning ko`p qismi ishlatilmaydi. Yoki ananasni konservatsiyalashda uning 20%igina ishlatiladi, asosiy qismi esa chiqindiga chiqadi. Uning mevasi, po`sti va boshqa chiqindilari sharbat olish uchun eziladi, quritilgan qoldiqlari esa mollarga yem sifatida beriladi. Spirtli bijg`itish bilan ushbu zavodlardan oqiziladigan chiqindilarni kamaytirish mumkin.

Bijg`ish davomida turli organik moddalarni almashinishi bilan bog`liq bo`lgan biotexnologik jarayonlar atrof-muhitni ham kimyoviy ham biologik jihatdan ifloslantiradi. 1970 yillarning boshlarida o`tkazilgan tadqiqotlarga ko`ra farmatsevtikada ishlatiladigan fermentatsiya – bu **ifloslanishning asosiy manbaidir**. Masalan, bu antibiotiklar olinadigan ishlab chiqarishga xosdir. Fermentatsiyaning chiqindilari ma`lum bir metabolitik mahsulotlarning mikroblil hujayralari va ozuqa muhitining ishlatilmagan komponentlari hisoblanadi.

Tarkibida uglevod bo`lgan chiqindi va yo`ldosh mahsulotlarni an`anaviy mikroblil bijg`ish yoki biotexnologik jarayonlar yo`li

bilan qayta ishlash mumkin. Masalan, saxarozani kristallash uchun boshlang`ich sirop hisoblangan va texnologik sikldan chiqarib tashlanadigan **melassa** – shakar olishdagi yo`ldosh mahsulot hisoblanadi. Uning tarkibida shakardan tashqari sulfitar, karbonatlar va kalsiy, magniy tuzlari mavjud. Melassani bijg`ish davomida qolgan shakarning hammasi ham ishlatilmaydi.

Kraxmal donlarning, kartofel va maniokning quruq massasini 50%ini tashkil etadi. Bu mahsulot jo`hori va maniokdan olinadi. U kislotali yoki fermentativ gidrolizga oson uchraydi va undan dekstrin va glukoza olinadi. Ushbu geksozalardan spirt va fruktozali sirop olishda foydalaniladi.

Sellyuloza va gemitsellyulozani mikroblil degradatsiya va konversiyaga uchratib etil spirti yoki kimyoviy sanoat uchun xomashyo olish mumkin. *Clostridium thermosellum* tarkibidagi sellulaza va gemitsellyuloza genlarini *lostridium* ning boshqa turlariga o`tkazib selluloza va gemitsellyulozani etil spirti, atseton, sirka va sut kislotasiga aylantirish mumkin.

Biokonversiya – metabolitlarni mikroblil hujayralari yordamida o`ziga yaqin bo`lgan birikmalarga aylanishidir. Shu bilan birga mikroorganizmlar kimyoviy sintezning muhim va murakkab jarayonlarning ma`lum bir bosqichiga ta`sir qiladi.

Biokonversiyaning qadimgi turi – sirka olish jarayonida etil spirtini sirka kislotaga aylanishidir.

Biokonversiya bir tipdagi reaksiya va ma`lum bir struktura (stereospetsifiklik) bilan bog`liqligi sababli o`ziga xosdir. Biokonversiyada izopropanol atsetonga, glitserin digidroacetonga, L-tirozin L-dioksifenilalaninga, glyukoza glyukon kislotaga va oxirida 2-ketoglyukon yoki 5-ketoglyukon kislotaga va sorbit L-sorbozaga aylanadi. Sorbitning sorbozaga



biokonversiyasi kimyoviy sanoatdagi yagona biologik reaksiyadir.

Biokonversiyaga asoslangan metodlar yordamida steroid gormonlar sintez qilingan. 1930 yilning boshlarida Kendall va Rayxshteyn buyrak osti bezidan revmatoid artritni davolashda ishlatiladigan kortizon ajratib olishgan. Kortizon sintezining birinchi oraliq mahsuloti progesterondir. Biokonversiya 37^oS haroratda suvli muhitda va atmosfera bosimida olib boriladi. Hozirgi kunga kelib steroid yadrosining uglerod atomini ma'lum bir mikroorganizmlar yordamida gidroqsillash va kerakli steroidni olish mumkin.

Mikroorganizmlar steroidlarni olish uchun xomashyoni (masalan, sterinlar) ishlab chiqarishda ham ishlatiladi.

Ba'zi hollarda biokonversiyani amalga oshirish uchun aralash kulturalar yoki mikroorganizmlarini ketma-ket qo'shish kerak bo'ladi. Bularning har biri biokonversiyaning o'ziga xos bosqichini amalga oshiradi. Imbillangan hujayralardan foydalanish fermentlarga nisbatan biokonversiya samaradorligini oshiradi va uning sarf-harajatini kamaytiradi.

Mikroorganizmlarning sanoatda ishlatiladigan shtammlarini qo'llash uchun 2 usuldan foydalaniladi: shtamlarni skriningi

va ajratib olishda yuzaga keladigan qiyinchiliklarni bartaraf etish uchun DNKning maxsus uchastkalarida **mutatsiyalarni induktsiyalash**; gen injeneriyasi va tabiiy jinsiy jarayonni kengaytirish uchun **protoplastlarni qo'shilishi**; tabiiy genlarni o'tkazish va yangi genlarni rekonstruksiya qilish uchun **rekombinant DNKni qo'llash**.

Mikrob hujayralarida ma'lum bir gen nusxasi sonini ko'paytirish **genlarni amplifikatsiyalash** orqali amalga oshiriladi va natijada ushbu genom kodlaydigan mahsulot ishlab chiqarish keskin ortadi. Bunday texnik yondashuv hujayrada plazmidalar sonini ko'paytirish bilan bog'liqdir. Odatda bitta hujayraga 1-30 ta nusxa to'g'ri keladi va 2-250 gen mavjud. Shu bilan birga hujayrada plazmidada genlari 3000 nusxagacha oshirilgan. Genlarni amplifikatsiyalash *E.colini* uchun keng ishlatilgan. Hozirga kelib istalgan xromosoma geni yoki genlar guruhini plazmidaga o'tkazish, so'ngra plazmidani amplifikatsiyalash uchun ichak tayoqchasiga o'tkazishga erishilgan. Undan tashqari bir hujayradan boshqasiga polietilenglikol ishtirokida transformatsiyalash yo'li bilan *Basillus* plazmidasi o'tkazilgan. *Pseudomonas* plazmidalarini esa boshqa grammanfiy bakteriyalarga o'tkazilgan. Shu yo'l bilan antibiotiklar ko'p miqdorda olinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Hayitov I. Y. "Biotexnologiya asoslari" Qarshi "Nafas" nashriyoti 2010y 16-21b
2. P.Igamnazarov.M.M.Addulayeva .G.B. Umarova "Biokimyoviy tadqiqot uslublari" Toshkent 2003
3. M.N. Valixonov.Dalimova S.N. Umarova G.B. Molekulyar biologiya.T.2015



INVESTMENT IN HUMAN CAPITAL

Raimova Durдона Durdibay qizi¹

¹ Assistant of Tashkent State Transport University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4910972>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021

Accepted: 25th May 2021

Online: 30th May 2021

KEY WORDS

human capital, human potential development index, investments in human capital, scientific and technical potential

ABSTRACT

The article examines the relevance of human capital development and effective use of labor potential.

ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Раимова Дурдона Дурдибай қизи¹

¹ Тошкент давлат транспорт университети ассистенти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021

Ma'qullandi: 25-May 2021

Chop etildi: 30-May 2021

ANNOTATSIYA

Мақолада инсон капитални ривожлантириши ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг долзарблиги ўрганилган.

KALIT SO'ZLAR

инсон капитали, инсон салоҳиятининг ривожланиши индекси, инсон капиталига инвестициялар, илмий-техника салоҳияти

Кириш.

Инсоният тараққиётнинг янги босқичига кадам қўйди - ишлаб чиқариш жараёни асосидаги ахборот ҳамжамияти, ахборотларни тарғиб этиш ва фойдаланиш, шу билан бирга гап фақатгина ахборот ҳақида эмас, балки авваламбор билим тўғрисида, яъни табиат ва жамият қонунлари, инсонларнинг кўникмалари ва қобилиятлари тўғрисидаги маълумотларда гавдаланган ахборотлар ҳақида бормоқда. Оммавий ишлаб чиқариш ҳукмронлик

қилган саноат иқтисодиёти ўрнига билим иқтисодиёти келмоқди, бунда ижодий, интеллектуал меҳнат муҳим аҳамият касб этади, ишчи кучи эса капитал сифатида-инсон капиталига эга бўлади.

Билимларга асосланган иқтисодиётда инсонинг умумий бойликни яратишдаги ўрни мавжуд тарзда ошади. У бошқа ишлаб чиқариш омилларига нисбатан маълум даражада юқори бўлди. Инсон, нафақат ижодий унсурларга эга репродуктив меҳнат субъекти, балки кўпинча, нафақат



тараққий этаётган қобилиятлар, юқори профессионализм, балки кенг доирадаги турли эҳтиёжларга эга ижодий меҳнат субъекти бўлди.

Таълим инсон капиталининг активи ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур актив мамлакат илмий-техника салоҳияти ва бозор муваффақиятининг ҳал этувчи омилига айланиб боради. Рақобатда устуворлик мамлакат миқёси, бой табиий ресурслар, молиявий капитал кучи билан эмас, балки таълим даражаси ва тўпланган умумий билимлар ҳажми орқали аниқланади.

